

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

РАЖАБОВ ШЕРЗОД УМУРЗОҚОВИЧ

ПЕНСИЯ ТИЗИМИДАГИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ
АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) dissertation abstract

Ражабов Шерзод Умурзоқович

Пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналишлари3

Раджабов Шерзод Умурзокович

Основные направления структурных изменений в пенсионной системе39

Radjabov Sherzod Umurzokovich

The main directions of structural changes in the pension system73

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....78

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

РАЖАБОВ ШЕРЗОД УМУРЗОҚОВИЧ

ПЕНСИЯ ТИЗИМИДАГИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ
АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/Iqt258 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Аҳмаджон Ўлмасов

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ғуломов Саидахроп Саидахмедович

иқтисодиёт фанлари доктори, академик

Жумаев Нодир Хосиятович

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Вахабов Абдурахим Восиқович

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй, e-mail: ilmiykengash@tfi.uz

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел.: (371) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги ___ - рақамли реестр баённомаси.)

Т.З.Тешабаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Каландарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

И.Н.Қўзиёв

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида пенсия тизимини ислоҳ этишнинг илғор тажрибалари кўрсатишича, пенсия харажатларининг давлат томонидан молиялаштирилиши етарли самара бермаслиги аён бўлмоқда. Ривожланган мамлакатлар пенсия тизими таркиби уч босқичли пенсия дастурлари, яъни, минимал пенсияни кафолатлайдиган давлат пенсия тизими, профессионал пенсия дастури, фуқароларнинг ихтиёрий тарзда нодавлат пенсия суғурталарини амалга ошириш тизимларидан иборат. Пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришларнинг устувор йўналишларини белгилашда нодавлат пенсия жамғармаларини ташкил этиш имкониятларини кенгайтириш миллий иқтисодиётнинг ички инвестицион салоҳиятини оширишга замин яратади. «Буюк Британия, Франция ва Германияда ўртача умр кўриш даражаси ошиши натижасида истиқболда пенсия таъминоти харажатларини ЯИМга нисбатан Францияда 0,5 фоизга, Германияда 2,8 фоизга ва Буюк Британияда 1,5 фоизга оширилиши башорат қилинмоқда. Европа Иттифоқида нодавлат пенсия таъминоти 1,5 фоиздан 4,5 фоизгача ошириш натижасида жамғарилган пенсиялар ҳажмини 12 фоиздан 29 фоизга кўтариш ва мос равишда давлат пенсия тўловлари ҳажми камайтирилиши кўзда тутилган».¹ Бундай шароитда пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришларнинг устувор йўналишларини белгилашнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Халқаро амалиётда нуфузли молиявий институтлар ҳисобланган Жаҳон банки гуруҳи, Халқаро меҳнат ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти каби муассасалар томонидан пенсия тизими ислохотларини амалга ошириш, таркибий ўзгаришларнинг устувор йўналишларини белгилаш, тизим молиявий барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур тадқиқотлар нуфузли тадқиқот марказлари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, пенсия жамғармалари фаолиятини шакллантиришнинг ташкилий асосларини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш, хориж тажрибасини умумлаштириш имконини берган. Лекин, пенсия таъминоти билан боғлиқ вазиятнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда, тизимда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш йўли билан самарадорликка эришиш, пенсия тизимининг асосий фаолият йўналишларини белгилаш, пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришлар орқали инвестицион фаолликни оширишнинг амалий жиҳатларини белгилаш, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришларни таъминлашнинг устувор йўналишларини аниқлаш билан боғлиқ муҳим масалаларни тадқиқ этишни тақозо этади.

Ўзбекистонда узок истиқболга мўлжалланган барқарор иқтисодий-ижтимоий ривожланишни таъминлаш, туб ислохотларнинг самарадорлигини

¹Bank of England Pension Fund report and Financial Statements 2020 <https://www.bankofengland.co.uk/-/media/boe/files/about/human-resources/pensionreport.pdf>, Pension Markets in Focus 2020, Pensions at a Glance (2019) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

ошириш, аҳолининг реал даромадларини ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва аҳолининг даромадлари бўйича табақаланиш даражасини камайтириш, ижтимоий хизматлар кўрсатишни яхшилашга алоҳида эътибор қаратиш белгиланган. Ушбу вазифаларнинг ижросини таъминлаш учун «пенсия ва нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини қайта кўриб чиқиш, пенсия тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарур»² эканлиги, пенсия таъминоти тизимининг халқаро молиявий институтлар тавсиясини тўлиқ қамраб олмаслиги, тизим иштирокчиларининг танлаш имкониятлари чекланганлиги, имтиёзли пенсия элементларининг сақланиб қолаётганлиги ва иқтисодий эркинлаштириш босқичида мамлакатда пенсия тизимини институционал-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, пенсия таъминотини бозор муносабатлари талабларига мос равишда такомиллаштириб бориш, жамғарма даромадлари манбаларини барқарорлаштириш, пенсия таъминоти харажатларини камайтириш, уларнинг мақсадли сарфланиши ва пенсия тўловларини амалга ошириш устидан назоратни кучайтириш, жамғариладиган пенсия тизимига ўтишни ва нодавлат пенсия жамғармаларини жорий этишга қаратилган қатор чора-тадбирларни амалга ошириш, иқтисодий эркинлаштириш шароитида аҳоли турмуш даражасини изчиллик билан ошириш ва уни молиявий барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар бугунги кунинг долзарб вазифалари эканлигидан далолат беради. Ушбу вазифалар бажарилишини таъминлашда пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришларнинг устувор йўналишларини белгилаш танланган тадқиқот мавзусини долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 сентябрдаги ПФ-5837-сон «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида», 2018 йил 12 декабрдаги ПФ-5597-сон «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 28 декабрдаги ПФ-5291-сон «Меҳнат фаолиятини амалга оширувчи айрим алоҳида тоифадаги пенсионерларга мақбул шароитлар яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2017 йил 24 майдаги ПФ-5052-сон «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси. 2018 йил 29 декабрь. № 271-272 (7229-7230). Б-1

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.³ Пенсия тизимида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш масалалари дунёдаги қатор етакчи халқаро молиявий ва иқтисодий ташкилотлар, молия институтлари, нуфузли илмий тадқиқот ва олий таълим муассасалари, жумладан, Жаҳон банки (World Bank), Халқаро валюта фонди (IMF-International Monetary Fund), Халқаро меҳнат ташкилоти (ILO-International Labour Organization), Халқаро ижтимоий таъминот ташкилоти (ISSA-International Social Security Association), Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD-Organisation for Economic Co-operation and Development), Институт мировой экономики и международных отношений РАН (ИМЭМО РАН), Московский Государственный Университет им. М.В.Ломоносова (МГУ), Московский Государственный институт Международных отношений (МГИМО), Халқаро ижтимоий рейтинг агентлиги (Axia Economics), Stanford University (USA), Халқаро Пенсия тадқиқотлари маркази (Melbourne Mercer Global Pension Index- MMGPI) кабиларнинг доимий диққат марказида эканлиги мазкур тадқиқот ишининг нақадар долзарб эканлигини кўрсатиб турибди.

Пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришлар ва пенсия жамғармалари молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги қатор илмий натижалар олинган, жумладан: пенсия тизимини модели гуруҳлаштиришда рискларни бошқариш ва баҳолаш методологияси ишлаб чиқилган (Жаҳон банки (World Bank)); пенсия ёшига етган аҳолини молиявий рағбатлантирилишини кучайтириш бўйича пенсияларни бозор нархларининг ўсишига боғлиқ ҳолда индексациялаш тавсия этилган (Халқаро меҳнат ташкилоти (ILO-International Labour Organization)); пенсия тизими молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган демографик юкни ҳисобга олган ҳолда муддатидан олдин (ёки кеч) пенсияга чиқишда актуар устамаларини қўллаш таклиф этилган (Халқаро ижтимоий таъминот ташкилоти (ISSA-International Social Security Association)); нодавлат пенсия жамғармалари иштирокчиларига пенсияларни тўлашда аннуитет факторини қўллаш орқали узоқ муддатли муносиб пенсияни таъминлаш асосланган (Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD-Organisation for Economic Co-operation and Development)); рисклилик даражаси паст бўлган давлат облигацияларига инвестициялар миқдорини ошириш орқали пенсия тизимининг узоқ муддатли молиявий барқарорлиги таъминланган (Московский Государственный Университет им.

³www.worldbank.org; www.imf.org; www.ilo.org; www.issa.int; www.oecd.org; www.imemo.ru; www.msu.ru; www.mgimo.ru; www.stanford.edu; www.mercer.com ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

М.В.Ломоносова (МГУ)); пенсия суғуртасини жорий этиш орқали пенсия тизими самарадорлигини ошириш асосланган ((Халқаро ижтимоий рейтинг агентлиги (Axia Economics), Stanford University (USA)).

Дунё миқёсида ҳозирги кунга келиб, пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: пенсия моделларининг молиявий барқарорлигини баҳолашда жамғармаларнинг инвестицион фаоллиги самарадорлигини қўллаш методикасини ишлаб чиқиш; пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишларини белгилаш; хусусий пенсия жамғармалари маблағларидан самарали фойдаланиш амалиётини илғор хорижий тажрибаларни қўллаган ҳолда такомиллаштириш; пенсия жамғармалари молиявий активларини инвестицияларга йўналтиришга доир рисклилик даражаси турлича бўлган консерватив, барқарор, агрессив молиявий стратегияларни шакллантириш; пенсия ислохотларини амалга оширишда вужудга келадиган молиявий муаммоларни прогнозлаш, уларни бартараф этиш йўлларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пенсия таъминоти тизимини ислох қилиш ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қатор иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ этилган. Жумладан, пенсия таъминотида кўп даражали тизимни жорий этиш масалалари хорижий иқтисодчи-олимлардан А.С.Стивен, А.Розанов, Р.Дисней, М.Борелла, Е.Форнеро, М.Гора, Л.Котликофф, А.Сёде, К.Вруман, Н.Барр, П.Даймонд, Ф.Чубальски, М.Вред, А.Чернулич, П.Антолин, Ф.Стюарт, А.Дж.Биккер, Д.А.Брудерс, Д.А.Холландерс, Э.М.Пондс, А.Борш-Супан, Ф.Кокэ, Дж.Винтер, М.Джаметти, Р.Гибсон, Э.Дэвис, Т.Кроссли, Ф.Модильяни, Дж.Стиглиц, Д.А.Холландерс, Э.Франк, Г.Шарлин, С.Маурицио, Р.Хайнц, М.М.Аранжереев, И.А.Ахтариёв, С.Дедиков, Я.А.Кабаков, Е.И.Куликова, А.Мишин В.Д.Роик, А.А.Талыкова, И.А.Юрьева, Н.Н.Масюк, А.В.Головченко, А.Л.Лельчук, А.Г.Шоломицкий, Д.В.Помазкин, Д.В.Бочкаревлар томонидан тадқиқ этилган.⁴

⁴Steven A. Sass The Promise of Private Pensions: The First Hundred Years, 1997y pp. 1-16., Rozanov A. Public pension fund management: best practice and international experience // Asian Economic Policy Review.2015.№10.P.275-295, Disney R. Public pension reform in Europe: policies, prospects and evaluation. The World Economy.–2003,Т.26.,№10 P.1425-1445., Borella M., Fornero E. Adequacy of pension systems in Europe: an analysis based on comprehensive replacement rates. Enepri research report №68–2009–56p., Gora M. Retirement decisions, benefits and the neutrality if the pension systems. Enepri research report №51–2008–13p., Kotlikoff L. Social security hole overwhelms taxes, cuts // Bloomberg. – 2012., Soede A., Vrooman C. A comparative typology of pension regimes. ENEPRI research report №54. – 2008. – 31p, Barr N., Diamond P. Reforming pensions: Principles, analytical errors and policy directions. International social security review.2009.Vol.62.№ 2.p.5–29, Chybalski F. The Multidimensional adequacy and efficiency of European pension systems: the ranking and relationships. Proceedings of the 15th International conference on finance and banking, Silesian University in Opava, School of business administration in Karvina. 2016 p.128-139, Wrede M. Pareto efficiency of the pay-as-you-go pension system in a three-period-OLD model. University of Bambergand University of Essen 1998. –19p, Чернулич А. Исследование эффективности пенсионных систем в зависимости от наличия в стране сырьевой экономики. Европейский университет в Санкт-Петербурге.–2013.–40с., Antolin, P., F. Stewart. «Private Pensions and Policy Responses to the Financial and Economic Crisis» OECD Working Papers on Insurance and Private Pensions–2009–№ 36-P112-156.; Bikker J.A., Broeders D.W.G.A., Hollanders D.A., Ponds E.H.M. Pension Funds Asset Allocation and Participant Age: A Test of the Life Cycle Model. Journal of Risk and Insurance, 2012. № 79 (3)–P.595-618.; Borsch-Supan A., F. Koke J. Winter «Pension Reform, Savings Behaviour and Capital

Пенсия тизимини ислоҳ этишнинг назарий ва амалий жиҳатлари ўзбек олимларидан А.В.Вахабов, Қ.Х.Абдурахмонов, Б.Х.Умурзоқов, Р.Т.Долимов, Н.М.Мажидов, Г.К.Саидова, Д.Р.Рустамов, Б.С.Маматов, Ш.К.Ҳамдамов, Ж.П.Турсунов, З.Э.Бекназаров, Г.А.Касимова, Д.А.Шолдоров, Ш.З.Давронов, М.Ж.Зиядуллаевларнинг ишларида ўрганилган.⁵

А.В.Вахабов, Б.Х.Умурзоқовларнинг илмий асарларида пенсия тизимининг ижтимоий-иқтисодий асослари ва пенсия сиёсатини ишлаб чиқишнинг халқаро тажрибалари ёритилган. Д.Р.Рустамов ўзининг илмий тадқиқотларида пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг илмий-услубий асосларини ўрганган. Бироқ, хорижий тажрибаларни эътиборга олган ҳолда пенсия тизимидаги таркибий

Market Performance» Cambridge: Journal of Pension Economics and Finance, 2005.–№ 4. P. 87-107.; Crossley T., Jametti M. Pension benefit insurance and pension plan portfolio choice. Review of Economics and Statistics, 2013–№ 95 (1). – P. 337 - 341.; Frank E., Charleen G., Mauricio S. Reforming the Public Pension System in the Russian Federation. International Monetary Fund Working Paper, 2012., Hinz R. et al (eds) «Evaluating the Financial Performance of Pension Funds» World Bank and OECD Joint Research Paper, The World Bank, Washington DC, 2010.; Аранжереев М. Проблемы реализации пенсионной реформы и деятельности НПФ. Пенсионные фонды и инвестиции–2005–№3(21)–С.20-23; Ахтариёв И.А. Управление финансовыми активами негосударственного пенсионного фонда: автореф. дис. канд. экон. наук: 08.00.10. Екатеринбург, 2008 26 с.; Дедиков, С. Пенсионные правила: правовая природа. Хозяйство и право, 2005. – № 12. – С. 13 -18.; Кабаков Я.А. Подходы к оценке эффективности деятельности НПФ– ЭТАП, 2011. – №5-С 54-66; Куликова Е.И. Оценка факторов участия НПФ на рынке ценных бумаг. Аудит и финансовый анализ.–2009 – №1.–С.0-10.; Мишин А. Негосударственные пенсионные фонды и инфраструктура финансового рынка. Депозитарий, 2006.– № 8. С.16 - 19.; Роик В. Пенсионная реформа: институциональный подход. Российский экономический журнал. 2004.–№11-12.–С.28.; Талыкова А.А. Негосударственные пенсионные фонды в России: закономерности развития и совершенствование управления: автореф. канд. экон. наук: 08.00.10 М.: Гос. ун-т упр., 2010. – 28с.; Юрьева И.А., Масюк Н.Н. Оценка эффективности деятельности негосударственных пенсионных фондов в современных условиях. Вектор науки Тольяттинского государственного университета. Серия Экономика и управление. 2015. №3 (22). С.62-65.; Головченко А.В. Негосударственные пенсионные фонды: теория и практика программных направлений развития: Автореф. дис. канд. экон. наук: 08.00.10 Спб., 2014.–17с. Лельчук А.Л. Выплата накопительной части трудовой пенсии Текст. / А. Л. Лельчук // Пенсионные фонды и инвестиции. 2004. - №1. -С. 20-24., Шоломицкий, А. Г. Риски и эффективность пенсионных программ: модельный подход Текст.: препринт WP2/2005/04 / А.Г. Шоломицкий. М. : ГУ ВШЭ, 2006. - 64 с., Помазкин, Д. В. Прогноз как средство снижения рисков деятельности негосударственного пенсионного фонда Текст. / Д. В. Помазкин // Пенсионные фонды и инвестиции, 2006, №6., Д.В.Бочкарев. Негосударственные пенсионные фонды в Российской Федерации: автореф. дис. канд. экон. наук: 08.00.10. Екатеринбург, 1999 26

⁵Вахабов А.В. ва бошқалар «Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси»: Дарслик.–Т.: «Iqtisod-Moliya», 2018, 400б.; Вахабов А.В., Мажидов Н.М «Жамғариб бориладиган пенсия жамғармасининг Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини амалга оширишдаги роли»: Монография.–Т.: Университет. 2017-128б.; Вахабов А.В. «Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар». –Т.: «Шарқ», 2003 й. 320 б., Абдурахмонов Қ.Х. (2013) Ижтимоий соҳа иқтисодиёти: Дарслик.Т.: Иқтисодиёт. 2013. 418-б., Умурзаков Б.Х. Пенсионная система и её реформирование в условиях углубления рыночных отношений в экономике: Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук: Ташкент 2006, 43с; Далимов Р.Т. Мировой опыт реформирования пенсионной системы и его использование в условиях переходной экономики: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук: Ташкент, 2002, 20с.; Мажидов Н.М. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий суғурта тизимини ислоҳ қилиш (пенсия тизими мисолида): Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация: автореферати. Тошкент, 2003. 23б. Рустамов Д.Р. Ўзбекистонда пенсия тизими молиявий барқарорлигини таъминлаш масалари. Монография.–Т.: «Iqtisod-Moliya», 2017., Б.С.Маматов, Ш.К.Ҳамдамов, Ж.П.Турсунов «Давлат мақсадли ва бюджетдан ташқари жамғармалар»: Дарслик.–Т.: «Iqtisod-Moliya», 2019, 342 б., Б.С.Маматов, Б.И.Нурмухамедова «Ижтимоий таъминот»: Ўқув қўлланма.–Т.: «Iqtisod-Moliya», 2019, 205 б., Г.А.Касимова, Д.А.Шолдоров «Пенсия таъминоти маблағларини бошқариш»: Монография.–Т.: «Iqtisod-Moliya», 2017, 224 б., Ш.З.Давронов Ўзбекистонда давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация: автореферати. Тошкент, 2019. 56 б., Зиядуллаев М.Ж. Ўзбекистонда пенсия тизимини бошқариш ва такомиллаштириш масалари. Монография., Т., БМА, 2018 24-25-б.

Ўзгаришларни амалга ошириш масалалари алоҳида, мустақил илмий йўналиш сифатида комплекс тадқиқ этилмаган. Ушбу ҳолат, танланган мавзунинг долзарблигини англатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

пенсия тизимини таркибий ўзгартиришнинг моҳияти ва ижтимоий-иқтисодий зарурлигини ўрганиш;

давлат пенсия таъминотининг молиявий кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва ривожлантириш тенденцияларини аниқлаш;

нодавлат пенсия жамғармаларини шакллантириш амалиётини кўриб чиқиш;

миллий ва халқаро амалиётда пенсия тизими ислохотларининг прогноз кўрсаткичлари таҳлилин аналга ошириш;

Ўзбекистонда нодавлат пенсия жамғармаларининг ташкил этилиши билан боғлиқ жараёнларни ўрганиш ва тадқиқ этиш;

халқаро амалиётда нодавлат пенсия жамғармалари инвестицион фаолиятини таҳлил қилиш;

пенсия жамғармаси фаолиятида рақамли технологияларни жорий этиш ҳолати ва уни ривожлантиришда овердрафт кредитлаш усулидан фойдаланиш;

ахборот технологиялари асосида Пенсия жамғармаси даромадларига таъсир қилувчи омилларнинг эконометрик таҳлилин аналга ошириш;

пенсия жамғармалари активларини тасарруф қилишнинг молиявий стратегияларини ишлаб чиқиш;

рақамли технологияларни жорий этиш асосида Пенсия жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш борасида таклиф ва тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси фаолияти танланган.

Тадқиқотнинг предмети пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришлар жараёнида шаклланадиган иқтисодий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда иқтисодий воқелик жараёнларини ўрганишнинг илмий усуллари – тизимли таҳлил, умумлаштириш, гуруҳлаш, кузатиш, таҳлилнинг мантиқий ва таққослама усуллари, абстракт-мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, корреляцион-регрессион таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари

берилган санадан бошлаб, амал қилишининг бутун даврини пенсия ҳисоблаб чиқариш учун ҳисобга олинмаган меҳнат стажига киритиш таклиф этилган;

пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорида пенсионерларга тўланадиган устамалар, қўшимча ҳақ ва компенсациялар, пенсия жамғармаси томонидан қопланадиган турли нафақаларни тўлаш асосида пенсия ёшидаги аҳолининг реал даромадларини ошириш асосланган;

пенсияни тайинлаш учун зарурий меҳнат стажини ҳисоблашда жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ҳисоби бўйича маълумотларни киритиш таклиф этилган;

давлат бюджетидан субсидия ажратиш орқали бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг дефицитини қоплаш асосида молиявий барқарорликни ошириш таъминланган;

аҳоли ўртасида ишсизликни олдини олиш бўйича, давлат корхоналари ва уларнинг таркибий бўлинмалари учун ягона ижтимоий тўлов миқдорини 12 фоиз миқдорида белгилаш асосида аҳолини иш билан таъминлаш, шунингдек, иш берувчиларни қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантириш асосланган;

иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмаганда ёки ўртача ойлик иш ҳақи базавий миқдордан кам бўлганда пенсия ҳисоблашнинг базавий миқдори инобатга олган ҳолда пенсия тайинлаш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришларнинг устувор йўналишлари таснифланган ва уларга тавсиф берилган;

пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

пенсия ёшидаги аҳолини меҳнатга рағбатлантириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган;

аҳолини барқарор иш билан таъминланиш даражасини ошириш мақсадида иш берувчиларни молиявий рағбатлантириш бўйича амалий таклиф ишлаб чиқилган;

пенсияларни ҳисоблашда ўзини ўзи банд қилган фуқароларнинг меҳнат стажларини ҳисоблаш тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори қоплаш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган;

хорижий давлатлар амалиётини тизимли таҳлил қилиш асосида нодавлат пенсия жамғармалари фаолиятини ташкил этишнинг амалий муаммолари асосланган;

пенсия жамғармалари активларини бошқаришнинг молиявий стратегияси ишлаб чиқилган;

пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришларга доир хулосалар халқаро тажриба таҳлиллари асосида шакллантирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий

манбалардан олинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, Жаҳон Банки гуруҳи, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий статистик маълумотларига, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлилига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлардан пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишга доир назарий-методологик ҳамда ушбу тизим фаолиятини самарали ташкил этиш ва ривожлантиришга бағишланган илмий-тадқиқотларни амалга оширишда, шунингдек пенсия тизими таркибий ўзгаришлари, молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда ривожлантиришда фундаментал асос сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялардан пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришларни таъминлашга қаратилган стратегия, концепциялар, иқтисодий дастурлар ҳамда пенсия тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш, устивор йўналишларни белгилашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналишлари бўйича олинган натижалар асосида:

ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари берилган санадан бошлаб, амал қилишининг бутун даврини пенсия ҳисоблаб чиқариш учун ҳисобга олинган меҳнат стажига киритиш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июльдаги «Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун вақтинчалик меҳнат гувоҳномасини жорий этиш тўғрисида»ги ВМҚ-566-сон қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 18 ноябрдаги 06/04-02-01-34/3541-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши ўзини ўзи банд қилган фуқароларнинг меҳнатларини рағбатлантириш орқали аҳоли ўртасида ишсизлик сонининг камайишига ҳамда пенсия тизими иштирокчилари сони 597 минг нафарга ошишига хизмат қилган;

пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорида пенсионерларга тўланадиган устамалар, қўшимча ҳақ ва компенсациялар, пенсия жамғармаси томонидан қопланадиган турли нафақаларни тўлаш асосида пенсия ёшидаги аҳолининг реал даромадларини ошириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-5723-сон фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 18 ноябрдаги 06/04-02-01-34/3541-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга

жорий қилиниши натижасида 2020 йил давомида 4,9 трлн.сўм пул маблағлари пенсионерларнинг реал даромадлари ошиши учун йўналтирилишига эришилган;

пенсияни тайинлаш учун зарурий меҳнат стажини ҳисоблашда жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ҳисоби бўйича маълумотларни киритиш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 1 февральдаги «Фуқароларнинг пенсияларини ҳисоблаш учун зарур бўлган ҳисобланган иш ҳақининг якка тартибдаги ҳисобини юритишни жорий этиш чора-тадбирлари ҳақида»ги ВМҚ-80-сон қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 18 ноябрдаги 06/04-02-01-34/3541-сон маълумотномаси). Натижада, пенсияларни тайинлаш ва ҳисоблаш жараёнини рақамлаштириш асосида соддалаштириш, ушбу жараёнда инсон омили иштирокини минималлаштириш орқали коррупцион ҳолатларни олдини олишга эришилган;

давлат бюджетидан субсидия ажратиш орқали бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг дефицитини қоплаш асосида молиявий барқарорликни ошириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги ЎРҚ-589-сон қонунида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 18 ноябрдаги 06/04-02-01-34/3541-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига 2020 йилда давлат бюджетидан 8,0 трлн. сўм пул маблағи ажратиш орқали жамғарма молиявий барқарорлигини таъминлашга эришилган;

аҳоли ўртасида ишсизликни олдини олиш бўйича, давлат корхоналари ва уларнинг таркибий бўлинмалари учун ягона ижтимоий тўлов миқдорини 12 фоиз миқдорида белгилаш асосида аҳолини иш билан таъминлаш, шунингдек, иш берувчиларни кўллаб-қувватлаш тизимини шакллантириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5837-сон фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 19 ноябрдаги 04-8/4-20-3174-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобида 2020 йил давомида 2,7 триллион сўм пул маблағи жамғариб қолиниши орқали 2021 йил давомида 6641 та янги иш ўринларини ташкил этиш имконини берган;

иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмаганда ёки ўртача ойлик иш ҳақи базавий миқдордан кам бўлганда пенсия ҳисоблашнинг базавий миқдорни инобатга олган ҳолда пенсия тайинлаш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 3 декабрдаги «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартиби

такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-586-сон қонунида ўз аксини топган. (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 19 ноябрдаги 04-8/4-20-3174-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини муносиб пенсия билан таъминлаш орқали аҳоли жамғармалари миқдорини ошириш, камбағалликни қисқартириш имкониятлари оширилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари, 11 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, жумладан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 11 та, жумладан, нуфузли хорижий журналларда 1 та илмий мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 233 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, унинг объекти ва предмети белгиланган, илмий тадқиқот мавзусининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мос эканлиги кўрсатиб ўтилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижалари амалиётга жорий этилганлиги, билдирилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига киритилганлиги ва тадқиқот натижаларининг апробацияси, уларнинг эълон қилинганлиги, тадқиқот ишининг тузилиши ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар келтириб ўтилган.

Диссертациянинг «**Пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришларнинг назарий-ташкилий асослари**» деб номланган биринчи бобда пенсия тизимини таркибий ўзгартиришнинг моҳияти ва ижтимоий-иқтисодий зарурияти ўрганилган, пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналишларидан бири сифатида нодавлат пенсия жамғармаларининг моҳияти, шаклланиши ва тараққиёти, нодавлат пенсия жамғармаларининг инвестицион фаолиятини амалга оширишда хорижий давлатлар тажрибаси ёритиб берилган.

Мазкур бобда тадқиқот мавзусига оид қатор иқтисодчи олимларнинг назарий қарашлари ўрганилган. Хорижлик олим А.С.Стивеннинг фикрича, пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришнинг асосий йўналиши нодавлат пенсия жамғармаларини ташкил этиш билан боғлиқ бўлиши лозим.⁶ А.Розанов таъкидлашича, жаҳон амалиётида жамғариб бориладиган ва қайта тақсимланувчи пенсия моделлари соф ҳолда кам учрайди. Бир вақтнинг ўзида мажбурий ва ихтиёрий жамғариб бориладиган аралаш пенсия тизими Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатлар таркибида Норвегияда амал қилади.⁷

Мамлакатимиз соҳа олимларидан А.В.Вахабовнинг таъкидлашича, нодавлат пенсия жамғармаларининг ўзига хос моҳияти шундан иборатки, бошқа турдаги пенсия тизимларида жамғарилган маблағлар пенсия олувчиларга ҳеч қандай кўшимча фоиз устамасиз қайтариб берилади. Нодавлат тизимда эса, жамғарилган маблағлар пенсия олувчилар учун маълум миқдорда фоиз ставкаси асосида эгаларига қайтарилади. Жамғарилган маблағларнинг қай даражада ошиб бориши ва унинг кўпайиб бориш босқичларига пенсия жамғармаси ва мижоз томонидан танланган инвестиция таклифлари сабабчи бўлади.⁸ Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Қ.Абдурахмоновнинг таъкидлашича, жаҳоннинг кўплаб ривожланган мамлакатларида ана шундай нодавлат пенсия жамғармалари

⁶Steven A. Sass The Promise of Private Pensions: The First Hundred Years, 1997y pp. 1-16.,


⁷Rozanov A. Public pension fund management: best practice and international experience // Asian Economic Policy Review.2015.№10.P.275-295,

⁸Вахабов А.В. ва бошқалар «Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси»: Дарслик. –Т.: «Iqtisod-Moliya», 2018, 400б.;

иқтисодиётни ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётган экан, у бугунги кунда кўплаб ислохотларни ўтказаяётган юртимизда ҳам келгусида ана шундай ўзгаришлар бўлиши мумкинлигини истисно этмайди.⁹

Фикримизча, пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришларга берилган изоҳлар унинг моҳиятини тўлиқ қамраб олмаганлиги боис, кенг қамровли моделларни ифода этувчи ягона таъриф бўла олмайди. Юқоридаги тадқиқотчилар ўз олдларига универсал таъриф ишлаб чиқиш мақсадини қўйишмаган албатта, улар фақатгина пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналишларини белгилловчи ёки давлат пенсия таъминотига қўшимча дастурларни яратиш бўйича фикрларини ифода қилишга ҳаракат қилишган. Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда, пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналишлари мавжуд пенсия тизимидан халқаро молия институтлари томонидан тавсия этилган уч даражали пенсия тизимини ўз ичига олган универсал пенсия таъминоти тизимига ўтишни англатади.

Пенсия таъминоти тизими молиявий ресурсларни қайта тақсимлашнинг йирик оқими бўлиб, иқтисодиётда маҳсулотлар, ресурслар ва даромадларнинг макроиқтисодий доиравий айланишига, аҳолининг иқтисодий фаоллигини рағбатлантиришга ижобий таъсир кўрсатади. Пенсия тизими билан иқтисодиётнинг бошқа қисмлари узвий боғлиқ бўлиб, тўғри ташкил этилган пенсия тизими иқтисодиётни инвестициялашнинг йирик молиявий манбаси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Пенсия жамғармасига тўловлар, иқтисодий нуқтаи назардан иш ҳақининг бир қисми ҳисобланади ва ишчи кучининг қийматига киради, аммо, тўловлар муайян кечиктирилган муҳлатда амалга оширилади. Бу меҳнатда банд аҳолининг пенсия жамғармасига қўйган ва қайтарилиши лозим бўлган ўзига хос мақсадли улуши, омонатидир. Ёлланма ишчини самарали меҳнатга ундовчи сабабларнинг юқори даражаси бир томондан, пенсия миқдорининг тегишли яшаш минимумига нисбати, пенсия тўловларининг харид имкониятига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, ишчининг малака даражаси меҳнат фаолиятининг интенсивлиги даражасига боғлиқдир. Пенсия миқдорининг меҳнат фаолияти мобайнида оладиган иш ҳақи миқдори билан бевосита боғлиқлиги самарали меҳнатга рағбатлантириш имконини беради.



1-расм. Пенсия тизими турлари¹⁰

⁹Абдурахмонов Қ.Х. Ижтимоий соҳа иқтисодиёти: Дарслик.Т.: Иқтисодиёт. 2013. 418-б.,

Юқорида қайд этилган фикрларни ривожлантирган ҳолда таъкидлаш лозимки, пенсия тизимини таркибий ўзгартириш давлат пенсия таъминотига кўшимча бўлган жамғариб бориладиган пенсия элементларини ўзида акс эттирган кўшимча пенсия таъминотини шакллантириш ҳисобланади. Жаҳон банкининг тавсияларида асосий эътибор кўп даражали пенсия тизимига қаратилмоқда. Дунёнинг аксарият мамлакатларида кўп даражали пенсия тизими турлари амал қилади (1-расм). Бунда иккинчи ва учинчи даражалар давлатга тегишли ва хусусий бўлиши мумкин. Пировардида мамлакат пенсия тизимининг муҳим хусусиятини ундаги даражалар сони ҳамда таркибий тузилиши белгилаб беради. Эътиборли томони шундан иборатки, алоҳида давлатлар тажрибасида жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг ўрни, аҳолини қамраб олиш даражаси, молиявий имкониятлари давлат пенсия жамғармаларидан бир неча баробар юқори даражада қолмоқда.

Пенсия тизимининг барча даражаларидаги умумий мезон ижтимоий фаровонликни таъминлаш эканлигини ҳисобга олган ҳолда, давлат ушбу йўналишдаги юқнинг барчасини ўз зиммасига олиши бозор иқтисодиёти талабларига зид эканлигини эътиборга олиш лозим. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, нодавлат пенсия жамғармалари фаолиятининг жорий этилиши пенсия тизими таркибий ўзгаришининг асосий йўналишларидан бири бўлиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатларида нодавлат пенсия жамғармалари (НПЖ) кўшимча пенсия таъминоти воситаси бўлибгина қолмай, айти пайтда, иқтисодиёт учун муҳим инвестициялар манбаи ҳисобланади. НПЖни молиявий кудратига кўра фақат банк тизими билан қиёслаш мумкин. Айти пайтда НПЖ кўшимча пенсия таъминотининг хилма-хил схемаларидан фойдаланади: банк депозити тамойили бўйича оддий жамғаришдан то НПЖга маблағларни мустақил, иш берувчи ва (ёки) васийлик ташкилотлари томонидан ўтказишнинг аралаш схемаларигача қўлланилади. Нодавлат пенсия таъминоти – пенсияга чиққан даврдан кейин пенсия олиш учун ҳар бир шахс индивидуал даромадидан ҳисса кўшиш орқали қатнашиладиган тизимдир. Бу давлат пенсия тизимига муқобил бўлиб, одатда суғурта компаниялари, банклар ва махсус фондлар орқали бошқарилади. Кўп ҳолатларда баъзи мамлакатларда НПЖлар иш берувчилар томонидан ҳам бошқарилиши мумкин ва бу пенсия меҳнат пенсияси деб аталади. Нодавлат пенсия тизимида ҳам жамғарма шаклланиши давлат пенсия тизимига ўхшаб даромаддан бадаллар чегириб қолиш ҳисобига барпо этилади.

НПЖлар моҳиятан икки томонлама хусусиятга эга. Биринчидан, бу жамғармалар жамиятдаги меҳнатга лаёқатсиз бўлган аъзоларнинг моддий ҳолатини яхшилаш вазифасини ҳал қилиш мақсадини кўзлайдиган муҳим ижтимоий институт ҳисобланади. Улар ёрдамида одамлар кексалик даврида давлат томонидан кафолатланган энг кам миқдордан юқорироқ даромад олиш имконини қўлга киритадилар. Ишчилар ўз пенсия бадалларини

¹⁰Муаллиф томонидан тайёрланди.

мустақил тартибга солиш ёки бу вазифаларни касаба уюшмалари орқали ўз иш берувчиларининг зиммасига ўтказиш имконига эгадирлар. Иккинчидан, бу жамғармалар мамлакатнинг иқтисодий тизимида муайян вазифани бажарадиган ўзига хос молиявий институтлардир. Бундай институтлар фуқароларнинг жамғарилган пулларини узоқ муддатли инвестициялаш мақсадида жамлаш билан шуғулланадилар.¹¹

Ҳозирги кунда кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда давлат пенсия тизими билан бир қаторда нодавлат пенсия тизимлари ҳам тарраққий этиб бормоқда. У асосан, корпоратив ёки индивидуал жамғарма асосида қурилиши мумкин. Бугунги кунда, Европа аҳолисининг учдан бир қисми аҳолининг корпоратив пенсия суғуртаси принципида тузилган тизимларда иштирок этмоқдалар. Корпоратив тизимлар давлат ва индивидуал схемалардан фарқли ўлароқ иш берувчилар томонидан молиялаштирилиб, компаниянинг ихтиёрий ажратмалари ёки жамоа шартномаларидаги мавжуд шартларга аралашуви остида, шунингдек, кам маъмурий харажатларга эга бўлади. Индивидуал пенсия тизими, эса корпоратив пенсия тизимидан фарқ қилиб, унда иштирокчилар индивидуал асосда ва ўз хоҳишига биноан иштирок этади ва бу жамғарма турли ташкилотлар орқали бошқарилиши мумкин. Нодавлат пенсия жамғармаларини бошқарув фаолиятига қараб қуйидаги турларга ажратиб кўрсатиш мумкин бўлади:

1. Очiq пенсия жамғармаси – хусусий пенсия жамғармаси бўлиб, исталган жисмоний шахслар, уларнинг иш жойи ёки иш хусусиятларидан қатъий назар, бу жамғарманинг иштирокчиси бўлиши мумкин.

2. Корпоратив пенсия жамғармаси – асосчиси юридик шахс берувчи ёки бир неча юридик шахслар иш берувчилар бўлган хусусий пенсия жамғармаси бўлиб, унга ўз ходимлари фойдасига бадал тўлаб берувчи иш берувчилар қўшилиши мумкин. Бу жамғарманинг иштирокчилари фақатгина, жамғарма асосчилари бўлган иш берувчилар билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар бўлиши мумкин.

3. Профессинал пенсия жамғармаси – хусусий пенсия жамғармаси бўлиб, унинг асосчиси (яратувчилари) юридик шахслар, иш берувчилар бирлашмалари, жисмоний шахслар бирлашмалари, шу жумладан, касаба уюшмалари ёки фаолият (касб) тури бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Бундай жамғарманинг иштирокчилари эса, фақатгина, фонд уставида белгилаб берилган касб фаолияти бўйича бир-бирига боғлиқ жисмоний шахслар бўлиши мумкин¹².

Дунё мамлакатларида нодавлат пенсия тизимлари турли кўринишларда ташкил этилган. Айрим давлатларда ушбу пенсия тизими мажбурий тартибда, яъни бу тизимда иштирок этиш ва минимал бадал миқдори белгилаб қўйилган бўлади ва минимал бадалдан ташқари бадал тўлаш

¹¹ Лебедова Л.Ф. Модернизация пенсионных систем штатного и местного уровней // Время политических решений. Россия и Америка в XXI веке. 2015 №2. С.8.

¹² Г.М. Джуматаева Перспективы развития рынка добровольного пенсионного страхования в кыргызской республике//http://journals.manas.edu.kg/reforma/oldarchives/2011-2-50/4_1024-3939-1-PB.pdf

ихтиёрий равишда ташкил этилади. Ихтиёрийлик тизими асосида ишлайдиган нодавлат пенсия тизимларида эса, иштирок этиш ва бадал тўловлари ихтиёрий тарзда амалга оширилади. Бундан ташқари, аралаш турдаги пенсия моделлари мавжуд бўлиб, унда иштирок этиш жиҳатдан мажбурий ва бадал тўлаш жиҳатдан ихтиёрий ва аксинча, минимал бадал тўлаш мажбурий ва иштирок этиш ихтиёрий бўлган тизимларни учратиш мумкин бўлади. Мисол тариқасида, аксарият Лотин Америкаси мамлакатларида мажбурий аъзолик механизми амал қиладиган нодавлат пенсия тизимлари мавжуд ва бу умумий ижтимоий ҳимоя тизимига кириб, расмий секторларда банд бўлган ишчиларга бу тизимда иштирок этиш мажбурийдир. Мустақил ва норасмий секторларда банд бўлган ишчиларга бу тизимда иштирок этиш ихтиёрийдир.


Турли мамлакатларда қабул қилинган пенсия схемалари бир-биридан фарқ қилади, аммо уларни пенсия тўловлари фуқароларнинг шахсий ҳисобварақларида ҳисобга олинадиган пенсия жамғармалари суммаси билан белгиланиши бирлаштиради. Жамғарилган пенсия тизимига ўтган мамлакатлар тажрибаси бу борада бир қатор муаммолар ва рисклар борлигини аниқлаш имкониятини яратдики, ушбу ҳолатни янги пенсия тизимини жорий этмоқчи бўлган мамлакатлар албатта ҳисобга олишлари лозим. Пенсия тизимига мажбурий ажратмаларни ўз вақтида ва аниқ ўтказилишини ташкил этиш келажакдаги пенсионерлар ва давлат учун томонлар манфаатлари бузилиши эҳтимоли бўлган «заиф жойлар»дан бири ҳисобланади. Бугунги кунда, бир томондан, пенсионернинг эркин танлаши ва ўзи жамғарган активларни тасарруф этиши ўртасида, иккинчи томондан, жамғарилган маблағларни жуда тез сарфлаб юборишни бартараф этиш ёки уларнинг етишмаслиги (пенсионер ўзи мўлжаллагандан кўра узоқроқ умр кўрган ҳолларда) ўртасида мураса, келишув зарур. Бошқача айтганда, муҳокамалар танлов эркинлиги, шунингдек, давлат томонидан тартибга солишнинг оптимал муросасига олиб келиши керак. Ҳар қандай ҳолатда ушбу масалага аниқлик киритиш умуман пенсия тизимига ишончни кўтаришнинг муҳим омили бўлиб қолади.

Диссертациянинг «**Пенсия тизимининг ривожланиш тенденциялари ва молиявий барқарорлигини таъминлаш муаммолари**» деб номланган иккинчи бобида давлат пенсия таъминотининг молиявий кўрсаткичлари ва тенденциялари, нодавлат пенсия тизимининг асосий кўрсаткичлари ҳамда нодавлат пенсия жамғармаларининг маблағларини шакллантириш ва тўловларни амалга ошириш ҳолати таҳлил қилинган ва тегишли хулосалар шакллантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий кўрсаткичларини таҳлил қилиш жараёнида аниқланишича, 2010-2020 йилларда Пенсия жамғармаси даромадлари унинг харажатлари ижросига нисбатан юқорироқ бўлиб келган ва охириги 10 йилда Пенсия жамғармаси даромадлари 6,7 маротаба харажатлари эса 6 баробарга ортган. Ишчиларнинг иш ҳақидан

ундириладиган мажбурий суғурта бадалининг бекор қилиниши (2018 йилда мазкур даромад манбаи Пенсия жамғармаси даромадлари таркибида 19,2 фоизни ташкил қилган), жамғарма даромадларига жиддий таъсир кўрсатган. Натижада 2019 йилда Пенсия жамғармасининг харажатлари даромадларидан кўпроқ прогноз қилинганлиги сабабли, даромад ва харажат ўртасидаги фарқни қоплаш мақсадида давлат бюджетидан 4700,0 млрд. сўм миқдоридан субсидия ва 1192,1 млрд.сўм миқдоридан ягона солиқ тўловидан ажратмалар ўтказилган бўлса, 2020 йилда бюджет маблағлари ҳисобидан 8000,0 млрд. сўм миқдоридан субсидия ажратилган (2-расм).

Жамғарма даромадлари таркибидаги ўзгаришлар, бюджет маблағлари ҳисобидан субсидиялар ва солиқлардан ажратмаларнинг берилиши истиқболда жамғарма учун янги молиявий ресурсларни топиш заруриятини юзага келтирмоқда. Бунда аҳоли бандлигини ошириш, норасмий бандликка барҳам бериш ва пенсия тизимида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш пенсия таъминоти тизими молиявий барқарорлигини таъминлаш имконини беради, деб ҳисоблаймиз.



2-расм. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатлари ижроси, млрд. сўм¹³

Пенсия жамғармаси харажатларининг барқарор ошиб боришининг сабабларидан бири, бу пенсия олувчилар сонининг ошиб бораётганлиги билан белгиланади. Пенсия тизими мамлакатимизда 3,6 миллиондан ортиқ фуқарони, яъни умумий аҳолининг қарийб 11 фоизини қамраб олиб, шундан нафақа олувчилар 363,6 минг нафарни ташкил этади. 2010 йил январ ҳолатига пенсия олувчиларнинг умумий сони 2829,7 минг нафарни ташкил этган бўлса, 2020 йил январ ҳолатига ушбу кўрсаткич 3312,7 минг нафардан кўпроқдир. Тўлиқсиз стаж билан пенсия олувчилар сони эса таҳлил

¹³Муаллиф томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари асосида шакллантирилган.

қилинаётган йиллар мобайнида қарийб 11,5 баробар ошганлигини кўришимиз мумкин. (1-жадвал)

Мамлакатимизда пенсионерлар сонининг ўзгариш динамикасини таҳлил қиладиган бўлсак, ўрганилаётган давр мобайнида ўсиш даражаси аҳоли сонининг ўсишига мутаносиб яъни, 117 фоизни ташкил этганлигига қарамасдан, 2010-2020 йиллар мобайнида тўлиқсиз стаж билан пенсия олувчилар сони 11 баробарга ошганлигини кузатишимиз мумкин. Ушбу ҳолатни олдини олиш бўйича тизимли ислохотларни амалга оширилмаслиги кутилаётган демографик ўзгаришларнинг пенсия тизимининг молиявий барқарорлигига жиддий салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини башорат қилиш имконини яратади (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистонда пенсионерлар сонининг ўзгариши динамикаси¹⁴

Йиллар	Йил бошига пенсия олувчилар сони, киши	Йил бошига тўлиқсиз стаж билан пенсия олувчилар сони	Ҳисобот йилида янги тайинланган пенсиялар сони	Ҳисобот йилида тўлиқсиз стаж билан пенсия тайинланганлар сони
2010	2 829 719	77 211	169 151	8 493
2011	2 807 717	85 367	193 188	12 037
2012	2 725 773	111 413	116 363	15 269
2013	2 685 270	159 990	129 112	41 916
2014	2 695 623	237 310	139 219	59 563
2015	2 713 929	308 624	157 491	78 820
2016	2 781 618	401 100	195 928	105 019
2017	2 882 087	510 426	225 317	124 413
2018	3 007 621	625 512	251 894	135 229
2019	3 162 139	768 525	277 397	147 665
2020	3 312 723	876 210	276 256	152 048


Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришларни халқаро молиявий институтлар тавсияларини ҳисобга олган ҳолда боқичма-босқич амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Республикаимизда ҳам пенсия тизими босқичлари кетма-кетликда ривожланиб келмоқда, 2005 йилдан бошлаб, фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими ташкил этилган ва у АТ «Халқ банки» орқали амалга оширилади. Жамғарма маблағларини шакллантириш механизми мажбурий ва ихтиёрий тартибда ташкил этилган бўлиб, пул маблағларининг мақсадли фондларини шакллантириб, кексалик чоғида фойдалиниш шакли ва усуллар йиғиндисини ўз ичига олган иқтисодий муносабатлар тизимини акс эттиради.

Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари фуқароларнинг иш ҳақидан олинадиган даромад солиғидан 0,1% миқдорда белгиланган (31.12.2018 йилгача бу 2% ни ташкил этган). 2019 йил бошига жами

¹⁴Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари.

маблағлар 3763,9 млрд. сўмни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 56,36% га ўсишига эришилган. Бу албатта биринчи навбатда иқтисодий фаол аҳолининг 2018 йилга нисбатан 1,5% ўсганлиги ва солиқлардаги ўзгариш сабабли жамғариб бориладиган пенсия таъминоти бадаллар миқдори 1% дан 2% оширилганлиги билан изоҳланади. Лекин 2019 йилдан бошлаб аҳолининг реал даромадларини ошириш мақсадида янги солиқ концепциясига асосан бадаллар миқдори ўзгарганлиги учун, 2020 йил бошига ушбу кўрсаткич 3748,8 млрд. сўмни ташкил этмоқда. 2021 йилга келиб ушбу кўрсаткич 4438,1 млрд. сўмни ташкил этиши кутилмоқда (3-расм).

«Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан жаҳоннинг 169 та мамлакатида пенсия таъминоти тизимида амалга оширилган ва давом этаётган таркибий ислохотлар тадқиқ этилган бўлиб, 72 ҳолатда пенсия ёшини ошириш; 31 та ҳолатда кеч пенсияга чиқишни рағбатлантириш, эрта пенсияга чиқиш бўйича чекловлар, жарималар қўллаш; 25 та ҳолатда пенсия ҳисоблаш формуласини модификациялаш; 12 та ҳолатда пенсияларни индексациялаш; 17 ҳолатда ижтимоий тўловлар миқдорини ошириш йўналишларида ислохотлар амалга оширилган.»¹⁵




3-расм. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими маблағлари ва прогнози (млрд.сўмда)¹⁶

Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсиясига кўра, пенсия таъминоти тизими барқарор ривожланиши учун бадал тўловчилар сонининг пенсия олувчиларга ўзаро нисбати 1:4 даражада бўлиши керак. Бироқ, бугунги кунда Ўзбекистонда бу кўрсаткич ўртача 1:1,4 га тенг эканлиги тизимнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш туб таркибий ислохотларни амалга оширишни талаб этишини изоҳлайди деб ҳисоблаймиз.

¹⁵ World Social Protection Report 2017-2019: Universal social protection to achieve the Sustainable Development Goals. Geneva, International Labour Office, 2017.

¹⁶ www.xb.uz расмий веб сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.



4-расм. Иш билан банд аҳолини мулкчилик турлари бўйича тақсимланиши (минг киши) ¹⁷

Мамлакатимизда иқтисодий фаол аҳолининг меҳнатда банд қисмининг фаолиятига эътибор қаратадиган бўлсак, 2010 йилда нодавлат секторда банд бўлганларнинг умумий сони 9 218,2 минг нафарни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб ушбу кўрсаткич 10 742,5 минг нафарни ташкил этмоқда. Таҳлил этилаётган йиллар мобайнида иш билан банд аҳолининг ўртача 80 фоизи нодавлат секторда банд эканлигини кузатишимиз мумкин. Мамлакатимизда 2020 йил якунларига кўра, ўзини ўзи банд қилган 597 мингдан ортиқ фуқаро солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтганлигини пенсия тизимининг истиқболи учун ижобий ҳолат, деб баҳолаймиз. Нодавлат секторда банд бўлганларнинг таркибидаги ўзини ўзи банд қилган фуқароларни давлат пенсия таъминоти билан қамраб олиш бўйича амалга оширилгаётган тадбирларга қарамасдан ушбу масала тизимдаги асосий муаммолигича қолмоқда (4-расм).

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, нодавлат секторда банд бўлган аҳолини пенсия тизимига тўлиқ қамраб олиш, шунингдек, муносиб пенсия билан таъминлаш учун фуқароларга тақлиф қилинаётган пенсия дастурларининг хилма-хиллигини таъминлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек мавжуд тизимда пенсия миқдори ва ходимнинг меҳнат ҳиссаси (улуши) ўртасидаги боғлиқлик ҳам кучли эмас. Амалдаги пенсия таъминоти тизими 7 йилдан кам бўлмаган стажга эга бўлган шахсларга пенсия тайинланишини назарда тутаяди, истиқболда эса ушбу мезон босқичма-босқич оширилиши белгиланган. Фуқароларнинг ижтимоий суғурта тизимида узлуксиз ва узоқ муддат иштирокини рағбатлантириш механизми мураккаб ва шаффоф бўлмасдан қолмоқда, натижада меҳнат ресурсларининг (қарийб 19 млн. нафар) деярли 72 фоизи, яъни 13,6 млн. нафар фуқаро давлат ижтимоий суғуртаси билан қамраб олинмаган. ¹⁸

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, пенсия таъминоти соҳасида пенсиялар, устамалар, кўшимча ҳақ ва компенсация тўловлари, шунингдек, ходимларнинг меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки улар ўзлари меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли етказилган зарарни қоплашда пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори қўлланилиши пенсия ёшидаги аҳолининг пенсион даромадларининг аниқ миқдорларини белгилаш имкониятини яратади.

Таъкидлаш лозимки, тизим мамлакатда аҳолининг ўзини ўзи банд қилиш бўйича яратилган норматив-ҳуқуқий асосларнинг мукамал эмаслиги туфайли мавжуд имкониятларининг фақат 30 фоиздан фойдаланган ҳолда фаолият кўрсатмоқда. Аксарият мамлакатларда пенсия ёшидаги аҳолининг меҳнатда банд бўлиши мамлакат иқтисодиёти учун ижобий ҳолат ҳисобланади ва халқаро тажрибада аҳоли ушбу қатламнинг иқтисодиётда солиқ тўловчи сифатидаги иштирокини рағбатлантириш амалиёти йўлга қўйилган. Мамлакатимизда пенсия ёшидаги аҳоли ўртасида камбағалликни олдини олиш ҳамда ишловчи пенсионерларнинг ижтимоий суғурта тизимида иштирокини рағбатлантириш мақсадида аҳоли ушбу қатламнинг реал даромадларини оширишга қаратилган чора тадбирлар амалга оширилаётганлиги алоҳида эътиборга молик. Ишловчи пенсионерларга пенсияларини тўлиқ миқдорда олиш имконияти яратилганлиги пенсионерларнинг реал даромадларини ўртача 20-25 фоиз пунктга ошишини таъминлади. Мамлакатимизда ҳозирда 155 минг нафар ишловчи пенсионерлар мавжуд бу кўрсаткич умумий пенсионерлар сонига нисбатан 5,4 фоизни, уларга тўланаётган пенсияларнинг йиллик миқдори 2 340 млрд. сўмни ташкил этмоқда¹⁹ (2-жадвал).

2-жадвал

Жаҳондаги пенсионерлар бандлиги даражаси бўйича 65 ёшдан 69 ёшгача бўлган эркаклар ва аёллар (фоизда)²⁰

№	Мамлакатлар	Фоизда	№	Мамлакатлар	Фоизда
1.	Исландия	56,3	12.	Ирландия	19,4
2.	Индонезия	50,6	13.	Дания	19,1
3.	Жанубий Корея	45	14.	Бразилия	28,1
4.	Япония	42,8	15.	Норвегия	28
5.	Мексика	38,6	16.	Швеция	22
6.	Хитой	36	17.	Саудия Арабистони	21,4
7.	Хиндистон	35,8	18.	Буюк Британия	21
8.	Эстония	31,8	19.	ИХТТ	20,09
9.	АҚШ	31	20.	Латвия	19,6
10.	Аргентина	30,1	21.	Туркия	19,5
11.	Туркия	19,5	22.	Ўзбекистон	5,4

Тадқиқотларимиздан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиздаги ишловчи пенсионерларнинг умумий пенсионерлар сонига нисбатини мўътадил, деб

¹⁹Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари.

²⁰ World Pension Summit 2020-<https://conferences.pionline.com/conference/WPS/2020>-Бутун жаҳон пенсия тизимига бағишланган конференция маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

баҳолаймиз. Иқтисодий ислохотларнинг ушбу босқичида пенсия ёшани ошириш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаймиз.

Умумий кўрсаткичларда иқтисодиётда банд бўлган фуқароларнинг 27,1 фоизи (1463 минг нафар) камбағаллик чегарасида қолаётганлиги (2000 йилда ушбу кўрсаткич 57 фоизни ташкил этганлигига қарамасдан) ҳамда бу кўрсаткичнинг Осиё ва Тинч океани мамлакатлари ичида энг қуйиларидан бири эканлиги,²¹ шунингдек, ушбу ҳолатлар пенсия тизимининг молиявий барқарорлигига ва шу орқали пенсионерларнинг иқтисодий фаровонлигига салбий таъсир кўрсатаётганлиги ушбу йўналишда олиб борилаётган ислохотларнинг самарасини чуқур ўрганган ҳолда молиялаштириш механизмларини қайта кўриб чиқиш лозимлигини кўрсатади.

Диссертациянинг **«Пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришлар ва инвестицион фаолликни оширишнинг амалий жиҳатлари»** деб номланган учинчи бобида халқаро ва миллий амалиётда пенсия тизими ислохотларининг прогноз кўрсаткичлари таҳлили, мамлакатимизда нодавлат пенсия жамғармаларини ташкил этишнинг ҳолати ва ривожланиш трендлари ҳамда халқаро амалиётда нодавлат пенсия жамғармалари инвестицион фаолиятининг таҳлил қилинган ва мавжуд муаммолари аниқланган.

Еврокомиссия ҳисоб-китобларига кўра, 2060 йилда Европа Иттифоқида (ЕИ) демографик қариш ижтимоий таъминот учун умумий харажатларни ЯИМнинг 4,7 фоизига оширишни тақозо этади. Шу жумладан, пенсия миқдори 2,4 фоизга, соғлиқни сақлаш харажатлари 1,5 фоизга, узоқ муддатли парвариш харажатлари 1,1 фоизга ошса, ўз навбатида ишсизлик нафақаси ва таълим харажатлари мос равишда 0,2 фоизга камайиши талаб этилади. Демографик қариш оқибатидаги харажатларнинг ўсишига жавобан, ЕИнинг «Лиссабон стратегияси» бошқа чоралар билан бир қаторда, унумдорликни ошириш ва миллий бандлик даражасини кўтаришни кўзда тутди.²²

Глобаллашув жараёнларига мувофиқ ривожланаётган янги Ўзбекистонда, демографик кўрсаткичларда сезиларли миқдорий ва сифат ўзгаришлари юз бермоқда. Авваламбор, демографик ўсиш камайди, аҳолининг ўртача йиллик ўсиши 1,1-1,6 фоизни ташкил қилмоқда, ваҳоланки, бу кўрсаткич ўтган асрнинг 70 йилларида 3,0-3,2 фоизни 90 йиллар бошида эса 2,2-2,3 фоизни ташкил қиларди.²³

Кейинги йилларда кўплаб мамлакатлар нафақалар, айниқса пенсия ва тиббий нафақалар беришга хусусий компанияларни кўпроқ жалб этмоқдалар. Пенсия соҳасида бу хусусий бошқармалар қошидаги индивидуал жамғариб бориладиган ҳисоблар ёрдамида, соғлиқни сақлаш соҳасида эса, хусусий тиббий суғурта ва тиббий хизматлар орқали амалга оширилади. Ислохотларнинг ҳар иккала турида кўп сонли хизмат кўрсатувчиларнинг

²¹ Осиё тараққиёт банки маълумотлари. ADB Annual Report 2019 <https://www.adb.org/documents/adb-annual-report>


²² Халқаро валюта жамғармаси башоратлари /Жахон банки, Октябр 2014 www.imf.org.

²³ <https://esa.un.org/unpd/wpp/Publications/Files/WPP2017>, <http://www.un.org/ru/sections/issues-depth/ageing/index.html>.

иштироки назарда тутилади, муайян ҳолатларда эса, олувчилар учун танлов ҳам кенгайтирилади. Шунингдек, баъзи ижтимоий ҳимоя тизимлари бозорга хос рақобатни ҳам жорий этганлар, бунда давлат таъминловчилари давлат ресурсларига эга бўлиш учун рақобатлашишларига тўғри келади.

Пенсия тизимини ислоҳ қилишнинг зарурлиги, ўз навбатида, бу тизимни молиялаштиришни такомиллаштиришни ҳам тақозо этади. Юқорида қайд этилганидек, мамлакатимиз пенсия тизимини молиялаштиришда маълум бир муаммолар мавжуд. Бунинг учун, фикримизча, дастлаб пенсия тизимини молиялаштиришни такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишларини аниқлаб олиш лозим. Пенсия миқдорларини белгилашда Пенсия жамғармасининг даромад қисмида фуқароларнинг қатнашувини жинси бўйича баҳолашда талайгина фарқлар мавжуд. Масалан, аёллар қатнашувининг ҳар бир йили 2,75 фоиз (бу пенсия таянч миқдорининг 55 фоиз ва талаб қилинадиган стажнинг 20 йиллигидан келиб чиқади), эркекларники эса 2,2 фоиз даражасида (бу пенсия таянч миқдорининг 55 фоиз ва талаб қилинадиган стажнинг 25 йиллигидан келиб чиқади) баҳоланмоқда. Шу муносабат билан Пенсия жамғармасининг даромадлар базасини мустаҳкамлаш учун бу соҳада ҳам гендер тенглигини ҳисобга олган ҳолда тегишли ўзгаришларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Пенсия жамғармалари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири уларнинг инвестицион фаолияти ҳисобланади. Халқаро тажрибани ўрганиш давомида, инвестицион фаолиятни амалга оширишда нодавлат пенсия жамғармалари пешқадам эканлиги аниқланди. Нодавлат пенсия жамғармалари фаолиятини ташкил этишнинг мақсадларидан бири узоқ муддатли инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш ҳисобланади.



5- расм. 2019 йилда ИХТТ худудида пенсия активларининг географик тақсимоти²⁴

Бу ўринда, дастлаб пенсия жамғармалари активларидан самарали фойдаланаётган ва мавжуд активларнинг 95 фоиздан ортиқ қисмини бошқараётган ИХТТга аъзо ривожланган мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. ИХТТга аъзо мамлакатлар таркибида пенсия

²⁴ Pension Markets in Focus2019 маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

жамғармалари маблағларидан узок муддатли актив сифатида фойдаланиш даражасини ўрганиш давомида ҳудуддаги умумий активларнинг 64,8 фоизи, АҚШ ҳиссасига тўғри келиши аниқланди. Кейинги ўринларни Буюк Британия, Канада, Австралия мамлакатлари эгаллаган. ИХТТга аъзо мамлакатлари ҳудудидаги пенсия жамғармалари инвестицион активларининг умумий ҳажми 46,0 трлн. АҚШ долларини ташкил этишини ҳисобга олсак, ушбу узок муддатли инвестиция манбалари ҳудуд иқтисодиётининг молиявий имкониятларига сезиларли таъсир ўтказишини эътироф этиш мақсадга мувофиқ (5-расм).

3-жадвал

ИХТТ мамлакатлари нодавлат пенсия жамғармаларининг инвестицион активлари ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида²⁵

ИХТТ мамлакатлари	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Австралия	92,0	94,9	93,5	104,3	111,9	121,9	124,4	130,2	131,3	133,1
Канада	118,8	122,7	126,9	134,8	142,6	154,4	156,9	154,7	155,8	156,4
Швейцария	103,4	105,9	107,4	126,8	134,1	135,5	140,3	148,8	149,6	150,5
Буюк Британия	82,0	88,7	94,6	96,9	96,7	97,6	107,6	105,3	106,5	107,3
АҚШ	119,3	116,2	123,7	136,5	137,6	132,6	136,4	145,3	148,7	151,4
Нидерландия	149,6	142,3	142,7	146,6	157,2	168,6	182,2	184,2	186,7	189,6

3-жадвал маълумотларини таҳлил этадиган бўлсак, бу ерда мамлакат ЯИМга нисбатан молиялаштириш салмоғи энг катта қисми Нидерландия 189,6 фоизни, Канада 156,4 фоизни, АҚШ 151,4 фоиз, Австралия 133,1фоизни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин. Молиялаштиришнинг бу даражада баланд бўлишига сабаб, улар йиллик пенсия харажатларидан ташқари ўз даромадларининг турли йўналишларга инвестиция қилиш билан изоҳлаш мумкин бўлади.

Нодавлат пенсия жамғармалари инвеститицион даромадлари асосан қимматли қоғозлар операциялари натижасида шаклланади. Нодавлат пенсия жамғармалари пассив операциялари асосини корпорация ва корхоналардан келадиган ресурслар ташкил этади, тушумнинг 20-30 фоизи ишчи ва хизматчилар бадалларидан иборат. Экспертларнинг ҳисоб-китоби бўйича, қимматли қоғозлардан олинadиган даромадларнинг бир фоизга ортиши, тўланадиган пенсиялар миқдорини бир неча баробарга ортишига олиб келаркан.

Пенсия маблағларини тизимли инвестиция қилиш билан молиявий институтлар инвестиция даромадларига эга бўлади. Капитал ёки йиғилган пенсия бадаллари суммаси уларни инвестиция қилишдан олинган даромад пенсия жамғармаси фаолияти харажатлари натижасида капиталлашган пенсиянинг молиявий манбасидир. Авлодлар бирдамлиги асосида қурилган тақсимот модели ва капиталлашган модел суғурта тамойилига асосланади. Капиталлашган пенсия модели давлат пенсиясига нисбатан 30 фоиз юқори


²⁵ Манба: Pensions at a Glance, OECD and G20 indicators маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

бўлган пенсия миқдорини таъминлайди. Халқаро статистика бўйича, 2000 йилда нодавлат пенсия фондларнинг жами активлари суммаси ЯИМга нисбатан 40 фоизни ташкил этган бўлса, 2030 йилда бў кўрсаткич 150 фоизга етиши кутилмоқда.

Ривожланган мамлакатларда пенсия тизимларини ислоҳ қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар аста-секин, муҳим таркибий ўзгартириш ўрнига кўпроқ параметрик тузатишлар кўринишида ўтказилмоқда. Аммо шунга қарамай уни ўтказишда муайян қийинчиликлар ҳам учрамоқда. Масалан, пенсия ёшини кўтариш ва қариялар меҳнат фаолиятини рағбатлантириш ишсизлик даражаси паст бўлганидагина маънога эга бўлади, жамғариб бориш тамойилларини жорий этиш эса фақат пенсия жамғармалари оқилона инвестиция қилингандагина фойда келтириши мумкин (Бунда маблағлар давлат қарзи ёки бюджет дефицитига эмас, реал сектордаги ишлаб чиқариш инвестицияларини молиялашга йўналтирилади).

Пенсия таъминоти тизими ўзининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятига кўра жаҳондаги барча давлатларда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш сиёсатини амалга оширишда марказий бўғин ҳисобланади. Ҳозирда пенсия тизими орқали дунё мамлакатларида яратилган ЯИМнинг ўртача 10 фоизга яқин қисми қайта тақсимланмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда фуқароларнинг пенсия таъминотини яхшилаш ва унинг миқдорларини мунтазам ошириб бориш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда нодавлат пенсия тизимларини ташкил этиш фуқароларимизни келгусида фаровон яшашларига имкон берувчи, реал даромадлар миқдорини ортишига хизмат қилувчи механизм сифатида намоён бўлади.

Ушбу тизимни юртимизда ташкил этишда албатта, аҳолимизнинг реал даромадлари муҳим рол ўйнайди. Зеро, аҳоли даромадлари ва фойдалилик коэффицентини ортиши нодавлат пенсия фондлари ўз даромадларидан орттирган ҳолда қўшимча жамғарма шакллантириш учун замин яратади (6-расм).



6-расм. Ўзбекистон Республикасида аҳолининг реал даромадларини ўзгариш динамикаси (фоиз ҳисобида)²⁶

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси веб сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Мамлакатимиз аҳолисининг реал даромадлари ўзгариш динамикасини таҳлил қилиш жараёнида сўнгги ўн йилликда ушбу кўрсаткич ЯИМга нисбатан ижобий натижа берган бўлсада, мунтазам ўсишга эришилган дейишга асос бўла олмайди. 2009-2011 йилларда аҳоли реал даромадларининг ЯИМга нисбатан ўсиши 20 фоиздан юқори бўлган бўлса, 2012-2016 йилларда ўсиш даражаси 10 фоиз атрофида бўлган. 2017-2020 йилларда ўртача тортилган ўсиш даражаси 7 фоизни ташкил этмоқда. Умуман олганда, аҳоли реал даромадларининг ўзгариш динамикасининг ижобий эканлигини инобатга олган ҳолда, мамлакатимизда нодавлат пенсия жамғармаларини шакллантириш учун етарли даражадаги молиявий-иқтисодий муҳит мавжуд деб ҳисоблаймиз.

Ривожланган мамалакатлар пенсия тизимини таҳлил қилиш жараёнида аниқланишича, ҳар қайси давлат пенсия тизими босқичма-босқич тараққий этиб борган. Биринчи босқичда, давлат пенсия тизимлари амал қилган бўлиб, кейин иқтисодиёти ривожланиб борган сари тизимда ҳам ислохотлар амалга ошириб борилган. Иккинчи босқичда жамғариб бориладиган давлат томонидан назорат қилинадиган пенсия тизимлари ҳамда корпоратив пенсиялар юзага кела бошлаган. Учинчи босқичда, индивидуал жамғариб бориладиган пенсия тизимлари вужудга келган ва ҳозирги вақтга қадар такомиллашиб келмоқда

Нодавлат пенсия тизими асосан йиғилган бадалларни инвестиция қилади, кредитлар беради ёки қимматли қоғозлар бозоридаги узоқ ва қисқа муддатли мажбуриятларга инвестиция қилади. Мамлакатимизда нодавлат пенсия тизимларини ташкил этишда бугунги кунда тараққий этган йирик sanoat, ишлаб чиқариш корхоналари ёки суғурта компаниялари орқали ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки сўнгги йилларда республикаимизда айнан шу соҳалар ривожланиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Диссертациянинг **«Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришларнинг устувор йўналишлари»** деб номланган тўртинчи бобда пенсия жамғармаси фаолиятини рақамли технологияларни кенг жорий этиш асосида ривожлантиришнинг истиқболлари, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси харажатларининг прогнози амалга оширилган ҳамда пенсия жамғармаси фаолиятида рақамли технологияларини жорий этиш ҳолати ва уни ривожлантиришда овердрафт кредитлаш усулидан фойдаланиш механизмининг такомиллаштириш йўллари ёритиб берилган.

Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши 2,2 фоизни ташкил қилади, айти пайтда халқаро амалиётда ўртача мақбул кўрсаткич 7-8 фоизни ташкил этади, хусусан, ушбу кўрсаткич Буюк Британияда 12,4 фоиз, Жанубий Кореяда 8 фоиз, Хитойда 6,9 фоиз, Ҳиндистонда 5,6 фоиз, Россияда 2,8 фоиз, Қозоғистонда 3,9 фоизни ташкил этади.²⁷ Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳукумат» тизимини

²⁷https://unctad.org/en/PublicationsLibrary/der2019_overview_ru.pdf

ривожлантириш концепцияси лойиҳасига биноан 2025 йилга келиб ЯИМдаги ахборот технологиялари (ИТ) хизматларининг улушини 5,0 фоизга, 2030 йилга келиб эса, 10 фоизга етказиш режалаштирилган.²⁸

Мамлакатда ахборот технологияларини (ИТ) ривожланиши, шу жумладан арзон ва тезкор Интернет, меҳнат унумдорлигини ошириш, харажатларни камайтириш, ишлаб чиқариш ва даромадни ошириш учун рақамли технологияларни турли хил ишлаб чиқариш жараёнларига жорий этишдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектларнинг манфаатдорлигини оширишга оид механизмларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Аҳолига хизмат кўрсатиш тизимига рақамли технологияларни жорий этишнинг муҳим жиҳати, кўрсатилаётган хизматларнинг шаффофлигига ишончининг ошиши учун хизмат қилиш ҳисобланади. Аҳолини ижтимоий суғурта билан қамраб олиш даражасини кенгайтириш Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларини мақсадли сарфлаш устидан назоратни кучайтириш, жамғарма тизимининг иш самарадорлигини ошириш, манфаатдор идораларни ягона тармоққа бирлаштириб, ахборотларни оператив фойдаланиш имконини берадиган дастурий маҳсулотни ишлаб чиқиш ва жорий этишни тўлиқ таъминланишига бевосита боғлиқ.

Пенсия тизимини дастурий таъминот ёрдамида рақамлаштириш тизим иштирокчиларининг иш стажларини рўйхатга олиш билан бевосита боғлиқ. Жаҳоннинг кўплаб давлатларида меҳнат дафтарлари ўрнига солиқ тўловчилар, ишчи-ходимлар учун меҳнатни ҳисобга олишнинг электрон тизимларидан фойдаланилади. Германия, Италия, Австрия, Франция каби мамлакатларда меҳнат карточкаларидан фойдаланилади. Россияда электрон меҳнат дафтарчаси 2018 йилдан амалиётга жорий этилган. Хорижий мамлакатларда меҳнат дафтарчалари, аввал коғоз кўринишида бўлиб, ҳозирда солиқ тўловчиларнинг ишчи ходимлар тўғрисидаги ягона электрон тизимдан фойдаланилиб, турли мамлакатларда ҳар хил номланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 октябрдаги ПҚ-4502-сонли ««Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ мамлакатимизда 2020 йил 1 январдан «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси («ЯММТ» ИДАК) жорий қилинди. Шунингдек, қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Олий аттестация комиссияси тайёрланган, тақсимланган, бузилган ва берилган олий маълумот тўғрисидаги дипломлар, илмий даража тўғрисидаги ҳужжатлар, шунингдек, хорижий олий таълим муассасасидан олинган олий маълумот ёки илмий даража тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақида гувоҳномалар бланклари

²⁸Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги ПФ-5614-сон Фармони

тўғрисидаги батафсил маълумотни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига мунтазам равишда киритиб боради, диплом олган жисмоний шахсга берилган бланк унинг шахсий идентификация рақамига бириктириб қўйилади.²⁹ Ушбу тизим пенсия таъминоти тизимини рақамлаштириш, хусусан, иш стажини ҳисоблашнинг автоматлаштирилган тизимини жорий қилиш имконини яратди.

Фикримизча, фуқароларнинг пенсияларини ҳисоблаш учун зарур бўлган иш ҳақи суммалари тўғрисидаги маълумотлар 2019 йил 1 январдан бошлаб иш берувчилар томонидан даромад солиғи бўйича солиқ ҳисоботи таркибида белгиланган тартибда электрон шаклда тақдим этилиши пенсия жамғармасининг жойлардаги бўлимларида айрим ҳолларда бюрократик тартиб, ортиқча оворагарчиликларнинг юзага келиши каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг ушбу қисмида Ўзбекистон Республикаси Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси харажатлари прогнози амалга оширилди. Бунда, Пенсия жамғармаси харажатларига йил давомида ўртача пенсия олувчилар ва тўлиқсиз стажга эга пенсия олувчилар омилини акс эттирувчи эконометрик моделга таянилди.

4-жадвал

Эконометрик моделга киритиладиган ўзгарувчи омиллар статистикаси

Ўзгарувчилар	Ўртача	Стандарт четланиш	Вариация коэффиценти
Пенсия жамғармаси харажатлари, млрд сўм	14871,4	8589,6	57,75919
Йил давомида ўртача пенсия олувчилар сони	2906872	232249	7,989653
Йил давомида ўртача тўлиқсиз стажга эга пенсия олувчилар сони	396435	312803	78,90398
Натурал логарифмланган пенсия жамғармаси харажатлари	9,46	0,58	6,131078
Натурал логарифмланган йил давомида ўртача пенсия олувчилар сони	14,87	0,07	0,470746
Натурал логарифмланган йил давомида ўртача тўлиқсиз стажга эга пенсия олувчилар сони	12,54	0,91	7,256778

4-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра ўзгарувчилар вариация коэффиценти юқори кўрсакичларга эга бўлган. Масалан, пенсия жамғармаси харажатлари вариация коэффиценти 57,8 фоизни, тўлиқсиз стажга эга бўлган пенсия олувчилар сони вариация коэффиценти эса 78,9 фоизни ташкил қилган. Ўзгарувчилар натурал логарифмлангандан сўнг эса, ушбу ўзгарувчилар вариация коэффиценти мос равишда 6,13 фоиз ва 7,26

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 октябрдаги ПҚ-4502-сонли ««Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

фоизни ташкил қилди. Демак, натурал логарифмлангандан сўнг ўзгарувчилар вариацияси сезиларли камайган.

Ўзгарувчилар вариацияси камайганлиги учун эконометрик моделга ўзгарувчиларни натурал логарифмланган ҳолда киритамиз.

$$\ln P = \beta_0 + \beta_1 \ln PO + \beta_2 \ln PT + \varepsilon \quad (1)^{30}$$

$\ln P$ – натурал логарифмланган пенсия жамғармаси харажатлари;

$\ln PO$ – натурал логарифмланган йил давомида ўртача пенсия олувчилар сони;

$\ln PT$ – натурал логарифмланган йил давомида ўртача тўлиқсиз стажга эга пенсия олувчилар сони

ε – эконометрик моделдаги тасодифий қисм

Регрессия тенгламаси натижаларини таҳлил қиладиган бўлсак, регрессия тенгламаси статистик жиҳатдан аҳамиятли 5 фоизлик муҳимлик даражасида, чунки F-статистиканинг p-қиймати 0,05 дан кичик. Иккала мустақил ўзгарувчилар ҳам 5 % лик муҳимлик даражасида статистик жиҳатдан аҳамиятли, чунки t-статистиканинг p-қийматлари 0,05 дан кичик. Детерминация коэффиценти 98 % ни ташкил қилмоқда, демак мустақил ўзгарувчилар боғлиқ ўзгарувчидаги ўзгаришнинг 98 фоизини тасдиқлайди (7-расм).

Source	SS	df	MS	Number of obs	=	11
Model	3.34057516	2	1.67028758	F(2, 8)	=	258.49
Residual	.051693657	8	.006461707	Prob > F	=	0.0000
				R-squared	=	0.9848
				Adj R-squared	=	0.9810
Total	3.39226882	10	.339226882	Root MSE	=	.08038

lnP	Coef.	Std. Err.	t	P> t	[95% Conf. Interval]
lnPO	1.438256	.5155721	2.79	0.024	.2493441 2.627167
lnPT	.5755571	.0458222	12.56	0.000	.4698909 .6812233
_cons	-19.22239	7.239506	-2.66	0.029	-35.91672 -2.528062

7-расм. СТАТА 16 дастурида регрессия тенгламаси натижалари

Жадвалдаги регрессия тенгламаси натижаларига кўра регрессия тенгламасини қуйидагича акс эттириш мумкин.

$$\ln P = -19.22 + 1.44 \ln PO + 0.58 \ln PT \quad (2)^{31}$$


2-тенгликка кўра регрессия тенгламасини қуйидагича интерпретация қилиш мумкин. Бошқа ўзгарувчилар ўзгармаган шароитда пенсия олувчилар сонинг 1 % га ошиши Пенсия жамғармаси харажатларининг 1,44 фоизга ошишига олиб келади. Бошқа ўзгармаган шароитда, тўлиқсиз стажга эга пенсия олувчилар сонинг 1 фоизга ошиши Пенсия жамғармаси харажатларини 0,58 фоизга ошишига олиб келиши ҳисоб китоб қилинган.

³⁰ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

³¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

2-тенгликдан фойдаланиб 2021-2025 йиллар учун Пенсия жамғармаси харажатларини прогноз қилишимиз учун пенсия олувчилар ҳамда тўлиқсиз стажга эга пенсия олувчилар сонини прогноз қилишимиз зарур. Бунинг учун, «АРИМА» моделларидан фойдаланган ҳолда прогноз қиладиган бўлсак, 2025 йилга бориб пенсия олувчиларнинг ўртача сони қарийб 4,7 млн. нафарга етиши, тўлиқсиз стажга эга пенсия олувчиларнинг ўртача сони эса 1,7 млн. нафардан ошиши кутилмоқда. Пенсия олувчилар сонининг ушбу суръатларда ўсиши ўз навбатида Пенсия жамғармаси харажатларининг ҳам мос равишда ўсиб боришини билдиради.

Пенсия жамғармаси харажатларининг 2021-2025-йиллардаги прогнозини амалга ошириш учун пенсия олувчилар сони прогнозлари ҳамда 2-тенгликда келтирилган регрессия тенгламасидан фойдаланамиз. 2-тенгликда берилган регрессия тенгламаси ҳамда пенсия олувчилар сонининг 2021-2025 йиллар учун прогнозидан фойдаланиб Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси харажатлари прогнози келтирилган. Бунда Пенсия жамғармаси харажатлари 2023 йилга келиб 47,4 трлн. сўмга 2025 йилга келиб эса қарийб 70,7 трлн. сўмга етиши кутилмоқда (8-расм).



8-расм. Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси харажатлари 2021-2025 йиллар учун прогнози, млрд. сўм

Пенсия жамғармаси харажатларининг юқори суръатларда ўсишида инфляция кўрсаткичининг ҳиссаси бор. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг инфляцион таргетлаш механизмининг самарали амалга оширилиши натижасида ушбу прогнозлар қиймати келажакда пасайиши мумкин.

Шунингдек, Пенсия жамғармаси маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун овердрафт кредитлаш механизмини жорий этилиши, пенсионерларга қулайликлар туғдириши билан бирга жамғарма маблағларидан қисқа муддатли даромад олиш имконияти яратилади. Бу механизм ҳар томонлама қулай бўлиб, аввало пенсионер учун жорий (масалан, даволаниш) харажатларини қоплашга хизмат қиладиган ва нисбатан уларнинг ижтимоий ҳимоясида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Таклиф этилаётган механизм жуда содда ва тушунарли бўлиб, бунинг учун пенсия жамғармаси иштирокчиси Пенсия жамғармасининг (www.pfru.uz) сайтига кириб, электрон тарзда овердрафт кредити олиш учун ариза юборади. Бунда, идентификациялаш масаласини ҳал этиш учун пенсионер пенсия

гувоҳномаси рақамини киритади. Пенсионернинг мурожаати автоматик равишда дастурда қайта ишланиб, унинг бир ойлик пенсияси миқдорининг уч баробари миқдоридан унга овердрафт кредити ажратилади. Унга ажратилган кредит маблағи автоматик тарзда пенсионернинг пластик карточкаси ҳисоб рақамига ўтказилади. Ушбу механизмнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, бунда тижорат банклари каби кредит маблағи учун гаров талаб қилинмайди ҳамда жуда қисқа муддат ичида амалга оширилади. Пенсионернинг оладиган кредит маблағи учун унинг келгусидаги пенсияси гаров сифатида хизмат қилади. Бугунги кунда уч миллиондан ортиқ пенсионерга хизмат кўрсатилаётганлигини назарда тутадиган бўлсак, ушбу хизмат туридан фойдаланишга эҳтиёж юқори бўлишини прогноз қилишимиз мумкин. Бу пенсионерларга хизмат кўрсатишдаги инновацион ёндашув ҳисобланиб, бир томондан пенсионерни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида унга моддий имконият берилаётган бўлса, иккинчи томондан эса, Пенсия жамғармасига рисклилик даражаси кам бўлган инвестиция сифатида қўшимча даромад олиш имкониятини юзага келтирмоқда. Ушбу инновацион ёндашувнинг жозибадорлигини ҳисобга олган ҳолда, ушбу хизмат туридан фойдаланувчилар сонини юқори даражада ўсиб боришини башорат қилишимиз мумкин. Мурожаат қилган 100 минг пенсионерга ўртача пенсия миқдори 500 минг сўм бўлганда, жами овердрафт кўринишида Пенсия жамғармасидан 150 млрд. сўм миқдоридан пул маблағи талаб қилинади. Агарда, ушбу маблағни кредитга йўналтирадиган бўлсак, 6 ой давомида 8,925 млрд. сўм миқдоридан қўшимча даромад олиш имкониятини беради. Буни фоиз кўринишида оладиган бўлсак, 6 ой учун 5,95 фоизни ташкил этмоқда (6-жадвал).

5-жадвал

Пенсия жамғармаси маблағларини овердрафт кредитлашда қолдиқ усулидан фойдаланиш механизми³²

Давр	Ўртача мурожаат қилувчилар сони	Ўртача ойлик пенсия миқдори, (минг сум)	Овердрафт шаклида уч ойлик пенсия миқдоридан бериладиган кредит суммаси, (млрд. сум)	фоиз ставкаси, 1 ойлик 1,7% (млрд. сум)	ПЖга тўланадиган (пенсия ҳисобидан ушлаб қолинадиган) сумма, (млрд. сум)	Пенсионерга пенсия тариқасида бериладиган пул (млрд.сум)
1 ой	100 000	500,0	150,0	2,55	27,550	22,45
2 ой			125,0	2,125	27,125	22,875
3 ой			100,0	1,7	26,7	23,3
4 ой			75,0	1,275	26,275	23,725
5 ой			50,0	0,85	25,85	24,15
6 ой			25,0	0,425	25,425	24,575
				8,925	158,925	141,075
			фойда::	8,925		
			фоизда::	105,95		

Таҳлил натижасига кўра, ажратилаётган ва жамғармага қолаётган маблағлар ўртасидаги тафовут унчалик юқори эмас. Бу эса, жамғарманинг

³²Муаллиф ҳисоб-китоб натижалари асосида тузилди

маблағга бўлган босимни унчалик кучайтирмайди. Масалан, бир ойда бир нафар пенсионернинг ўртача пенсия миқдори 500 минг сўмдан бўлса 100 минг пенсионер учун 50 млрд. сўм пенсия тўланиши лозим эди, берилган кредит эвазига ушлаб қолинаётган маблағ ҳисобига ойига 22,450 млрд. сўм пенсия тўлови амалга оширилади.

Пенсия жамғармаси маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда овердрафт кредитлаш механизмидан фойдаланилиши қўйидаги имкониятларни юзага келтиришини эътироф этиш мақсадга мувофиқ: а) пенсия жамғармасининг вақтинча бўш турган маблағларидан қисқа муддатли даврларда қўшимча даромад олиш имкониятини беради; б) аҳоли ўртасида пенсия жамғармасига бўлган ишончнинг ортишига хизмат қилади; в) пенсия жамғармаси томонидан пенсия ва нафақа олувчиларга кўрсатилаётган хизматлар қўламини кенгайтиришга хизмат қилади; г) ёш авлод учун пенсия жамғармаси кексалик чоғидаги ҳақиқий ишончли моддий таъминот эканлигига ишончини ошириб, уларни кўпроқ пенсия олиш учун суғурта бадали тўловини амалга оширишга рағбатлантиради ва натижада суғурта бадали тўлови қамровининг кенгайишига хизмат қилади; д) қутилмаган зарурий эҳтиёжларини қондириш эвазига уларнинг ижтимоий ҳимоясини янада мустаҳкамлашга ёрдам беради; е) пенсия жамғармаси пенсионерларнинг ҳақиқий маънода ишончли ҳамкорига айланиши билан бирга аҳолини ижтимоий ҳимоясига қаратилган бюджет харажатлари юкини камайитиришга имкон беради; ж) бўш турган маблағлардан фойдаланишнинг инновацион ёндошуви натижаси сифатида мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшишга хизмат қилади ва ҳ.к.

Пенсия жамғармаси маблағларидан фойдаланишнинг мазкур инновацион ёндашувидан фойдаланиш ва уни амалиётга жорий этиш учун жамғарманинг моддий техник базаси етарли бўлишига қарамасдан, пенсия таъминоти тизимига замонавий ахборот технологиялари усулларидан фойдаланган ҳолда автоматик тарзда ҳисоб-китобларни амалга ошириш имконини берувчи дастурий таъминотини қўллаш механизми амалга оширишнинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш учун норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

ХУЛОСА

Диссертация тадқиқоти замонавий молиявий, демографик ва бошқа глобал муаммолар шароитида пенсия тизимида таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналишларини аниқлаш имконини яратди.

1. Пенсия таъминоти тизимининг барқарорлигига таъсир кўрсатувчи омиллардан бири сифатида аҳоли ёши таркибидаги ўзгариши натижасида пенсия ёшидаги аҳолининг меҳнат ёшидаги аҳолига боғлиқлик коэффиценти кўрсаткичи пасайиб кетаётганлиги ҳолатини келтиришимиз мумкин. Лекин демографик ўсишнинг кейинги босқичидаги ривожланган давлатларда катта ёшдаги аҳолининг ўрта ёшдаги аҳолига нисбати анча ошиб бораётганлиги кузатилмоқда. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш пенсия миқдорларининг муносиб тарзда ошишига, пенсия ва нафақа олувчилар таркибида камбағалликни қисқартиришга, аҳолининг пенсия жамғармасига бўлган ишончининг ошишига ҳамда суғурта бадалли тўловчилар қамровини янада кенгайтиришга муайян даражада хизмат қилади.

2. Жамғариб бориладиган пенсия тизими давлат пенсия таъминоти тизимига нисбатан барқарор, демографик ўзгаришлар таъсир даражаси нисбатан паст, иқтисодий ва демографик талабларга мос келади, лекин унинг бу хусусиятлари пенсия сиёсати яъни, муносиб пенсия билан таъминлаш мақсадига тўлиқ эришиш имконини бермайди. Пенсия тизимининг узок муддатли молиявий барқарорлигини таъминлаш учун пенсия тизимини молиялаштириш ва маблағлардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш борасида кўйидаги муаммоларни ҳал этиш лозим: а) аҳоли таркибида ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсияларини расмийлаштириш жараёнларини шаффоф ташкил этиш, коррупция ҳолатларининг мавжудлиги; б) пенсия жамғармаси даромад манбаларининг ўз вақтида шаклланмаётганлиги, яъни мамлакатимизда корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларининг юқори эканлиги; в) пенсия жамғармаси даромадлари таркибида жисмоний шахслар иштирокининг мавжуд эмаслиги; г) имтиёзли пенсияларнинг пенсия жамғармаси харажатларидаги салмоғининг юқорилиги, хусусан, Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2012 йил 12 мартдаги 2337-сонли «Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори 2-сон Рўйхатнинг I-қисми, 2-сон Рўйхатнинг II-қисми, 3-сон Рўйхатнинг IX-қисмини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ; д) аҳолининг реал даромадларини ошириш мақсадида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг, хусусан ижтимоий суғурта бадалларини бекор қилиниши пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигига жиддий таъсир кўрсатганлиги.

3. Хорижий давлатлар, хусусан, Германия, Франция ва Форс кўрфази давлатлари тажрибалари шуни кўрсатадики, мамлакатдаги йирик компаниялар, корпорациялар ўз таркибларида ижтимоий йўналтирилган жамғармаларни ташкил этишлари нафақат ишчи ходимларнинг балки аҳоли таркибидаги ўзини ўзи банд қилган фуқароларнинг ижтимоий турмуш даражасини ошириш хизмат қилади.

Худди шундай жамғармаларни малакатимиздаги йирик (Ўзбекистон ҳаво йўллари, Ўзбекистон темир йўллари, Ўзбекэнерго, Ўзнефтегаз ва бошқалар) корхоналарда ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

4. Пенсия тизимида ёшга доир ислохотларни амалга оширишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мақсадга мувофиқ. Бундай ҳолатда, мамлакатдаги демографик ўзгаришлар, ишсизлик даражаси, яратилаётган иш ўринлари ўртасидаги номувофиқликларни ҳисобга олиш лозим. Пенсия ёшини кўтариш ва қариялар меҳнат фаолиятини рағбатлантириш ишсизлик даражаси паст бўлганидагина маънога эга бўлади, жамғариб бориш тамойилларини жорий этиш эса фақат пенсия жамғармалари оқилона инвестиция қилингандагина фойда келтириши мумкин. Фикримизча, ёшга доир ислохотларни амалга оширишда пенсия тайинлаш учун зарур бўлган меҳнат стажини босқичма-босқич оширишга эътибор қилиш мақсадга мувофиқ.

5. Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва суғурта бадали камровини кенгайтириш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш зарур: а) солиқ тўловчи томонидан бошқа шахсларнинг фойдасига тўланган ихтиёрий суғурта бадалларини солиқ солинадиган базадан чегириб ташлаш бўйича Солиқ кодексининг 317 моддаси 25 бандини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ; б) пенсия ёшидаги аҳолининг даромадларини самарали ва адолатли тарзда сақланишини таъминлаш; в) тўланадиган суғурта бадаллари ва бериладиган пенсия миқдорлари ўртасидаги боғлиқлик даражасини ошириш; г) инфляция даражасини ҳисобга олган ҳолда, узоқ муддатли маблағлардан инвестицион йўналишларида фойдаланишни ривожлантириш; д) инвестицион фаолиятни диверсификациялаш орқали пенсия ва нафақа олувчиларнинг даромадларини янада ошириш лозим.

6. Пенсия тизимини молиялаштириш амалиётини такомиллаштиришни қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ: а) пенсия жамғармасининг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган амалдаги харажатларнинг таркибини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. яъни, пенсия жамғармасидан молиялаштирилаётган харажатларнинг таркиби фақат ишлаётган ва ишламаётган пенсионерларга пенсияларни тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаб олиш билан чекланиши керак; б) Пенсия жамғармаси даромадлар базасини янада мустаҳкамлаш ва барқарорлигини таъминлаш бўйича қуйидаги ишларни амалга ошириш назарда тутилади; в) тўланадиган ойлик пенсия бадаллари миқдорининг унинг тўловчилари ўртасида тафовутларни камайтириш; г) мамлакатимизда амал қилаётган

пенсия тўланмаларининг миқдори билан суғурта бадаллари тарифларининг даражаси ўртасида мосликни таъминлаш; д) мамлакатимиз фуқароларининг гендер белгилари ва алоҳида касбий фаолиятларига мувофиқ пенсия жамғармасининг даромадларини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланишда бир хил даражада иштирок этишга эришиш; е) пенсияларга қўшимча молиявий манбалар билан таъминланмаган турли устамаларни қўллаш амалиётига чек қўйиш; ж) суғурта бадалларини тўлашда аҳолининг ишлайдиган қатламини қамраб олишни максималлаштириш зарур; з) ягона ижтимоий тўловни тўловчиларни қамраб олишни кенгайтириш учун шароитлар яратиш, жумладан, норасмий иқтисодиётни легаллаштириш ва Ўзбекистондан меҳнат мигрантларини қабул қилувчи давлатлар ўртасида давлатлараро шартномаларни тузиш.

7. Пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналишларидан бири сифатида, нодавлат пенсия тизимини амалиётга жорий қилишда аввало, ривожланган давлатлар тажрибаларидан келиб чиқиб, унинг қонуний-ҳуқуқий асосларини шакллантириш керак, ушбу тизимни назорат қилувчи махсус давлат ташкилотини белгилаш, унинг бошқарув функцияларини аниқлаш, тизим самарали хизмат кўрсатиши учун бошқарув компанияларини ташкил этиш керак. Иш берувчилар томонидан касбий пенсия дастурларини ташкил этишни солиқ имтиёзларини жорий этиш орқали рағбатлантириш мақсадга мувофиқ.

8. Нодавлат пенсия жамғармаларини амалиётга жорий қилишда унга етарли даражада қулайликлар яратиш лозим. Яъни, жамғармалар томонидан амалга ошириладиган инвестицияларни риск даражаси пастроқ бўлган қимматли қоғозларга йўналтириш ва инвестицион портфелда улар улушини аниқ белгилаш ва фонд биржалари, суғурта компаниялар, инвестиция тармоқларини кенгайтириш керак.

9. Нодавлат пенсия жамғармаларини ташкил этишда, пенсия тизими бошқаруви, ҳисоб-китоб операциялари, бадаллар шаклланиши ва тўловларни амалга оширишда давлатнинг маълум миқдорда назоратини таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Жамғармаларнинг асосий активларини давлатга тегишли бўлган секторнинг қимматли қоғозларида ушлаб туриш лозим. Инвестициялашда бундай мажбурий консерватив ёндашувнинг ижобий томонлари пенсия активларининг катта қисми ишончли воситалар кўринишида сақланишидир. Нодавлат пенсия жамғармалари ташкил этилгандан сўнг унинг фаолиятини кенгайтириш ва жамғармалар рақобатбардошлигини таъминлаш, иштирокчилар фойдаларини ошириш учун мамлакатимиздаги фонд биржалар салмоғини юксалтиришимиз керак.

10. Фуқароларнинг пенсия жамғармасидаги иштирокларини акс эттириш тизимини қайта тиклаш, шунингдек, пенсия ёшига етганда ижтимоий суғурта бадали тўлаган ҳар бир йили учун пенсияларни ҳисоблашда балли тизим асосида устама ҳақ тўлашни жорий этиш механизминини амалиётга қўллашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.03/30.12.2019.I.17.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ НАУЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ФИНАНСОВОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФИНАНСОВЫЙ ИНСТИТУТ

РАЖАБОВ ШЕРЗОД УМУРЗОКОВИЧ

**ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ СТРУКТУРНЫХ ИЗМЕНЕНИЙ В
ПЕНСИОННОЙ СИСТЕМЕ**

08.00.07 – «Финансы, денежное обращение и кредит»

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора экономических наук (Doctor of Science)

город Ташкент – 2021 год

Тема диссертации доктора наук (Doctor of Science) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.3.DSc/Iqt258.

Диссертация выполнена в Ташкентском финансовом институте.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.tfi.uz) и образовательном информационном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный советник:

Ахмаджон Улмасов

доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Гулямов Саидахроп Саидахмедович

доктор экономических наук, академик

Жумаев Нодир Хосиятович

доктор экономических наук, профессор

Вахабов Абдурахим Восикович

доктор экономических наук, профессор

Ведущая организация:

Ташкентский государственный экономический университет

Защита диссертации состоится на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.I.17.01 при Ташкентском финансовом институте «__»_____ 2021 года в _____. Адрес::100000, проспект Амира Тимура, дом 60А, e-mail: ilmiykengash@tfi.uz

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского финансового института (зарегистрирована за номером____). Адрес: 100000, проспект Амира Тимура, 60А. Тел.: (371) 234-53-34.

Автореферат диссертации разослан «__»_____ 2021 года.
(протокол реестра № ____ от «__»_____ 2021 года)

Т.З.Тешабаев

Председатель научного совета по присуждению научных степеней, доктор экономических наук, профессор

Н.Н.Каландарова

Ученый секретарь научного совета по присуждению научных степеней, доктор философии по экономическим наукам, (PhD)

И.Н.Кузиев

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению научных степеней, доктор экономических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Исходя из лучших мировых практик реформирования пенсионных систем, очевидно, что финансирование пенсионных расходов только лишь государством само по себе недостаточно эффективно. В развитых странах в пенсионной системе можно увидеть одновременно трехступенчатые пенсионные программы, а именно государственную пенсионную систему, гарантирующую минимальную пенсию, профессиональную пенсионную программу, систему добровольного негосударственного пенсионного страхования граждан. При определении основных направлений структурных изменений пенсионной системы расширение возможностей создания негосударственных пенсионных фондов, в свою очередь, повысит внутренний инвестиционный потенциал национальной экономики. «В результате увеличения продолжительности жизни в Великобритании, Франции и Германии пенсионные расходы, по прогнозам, увеличатся на 0,5% ВВП во Франции, 2,8% в Германии и 1,5% в Великобритании. Лиссабонская стратегия ЕС предусматривает увеличение негосударственных пенсионных выплат с 1,5% до 4,5%, в результате чего будет обеспечено увеличение пенсионных накоплений с 12% до 29%, а также соответствующее сокращение объемов государственных пенсионных выплат»¹. В этом контексте возрастает важность определения основных направлений структурных изменений пенсионной системы.

В международной практике такие институты, как Группа Всемирного банка, Международная организация труда, Организация экономического сотрудничества и развития, являющиеся авторитетными финансовыми институтами, уделяют особое внимание научным исследованиям, направленным на реформирование пенсионной системы, выявление ключевых областей для структурных изменений, обеспечение финансовой устойчивости. Эти исследования были разработаны авторитетными исследовательскими центрами, что позволило усовершенствовать методологию оценки организационной основы налаживания деятельности пенсионных фондов, обобщить зарубежный опыт. Однако, учитывая специфику ситуации, связанной с пенсионным обеспечением, достижение эффективности за счет проведения структурных изменений в системе требует изучения важных вопросов, связанных с определением основных направлений деятельности пенсионной системы, выявлением практических аспектов повышения инвестиционной активности через структурные изменения в пенсионной системе, обеспечением соответствующих структурных преобразований в цифровой экономике.

Узбекистан будет уделять особое внимание обеспечению долгосрочного устойчивого экономического и социального развития, повышению эффективности радикальных реформ, увеличению реальных доходов и

¹ Bank of England Pension Fund report and Financial Statements 2020 <https://www.bankofengland.co.uk/-/media/boe/files/about/human-resources/pensionreport.pdf>, Pensions at a Glance (2019) OECD and G20 indicators 2017 маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

покупательной способности населения, сокращению количества малообеспеченных семей и неравенства доходов, улучшению социальных услуг. Для обеспечения выполнения данных задач «необходимо пересмотреть порядок назначения и выплаты пенсий и пособий, коренным образом реформировать пенсионную систему»², что в свою очередь говорит о том, что актуальными на сегодняшний день являются вопросы, связанные с тем, что пенсионная система не полностью отвечает рекомендациям международных финансовых институтов, выбор участников системы ограничен, элементы льготных пенсий сохраняются, необходимо совершенствование институциональной и правовой базы пенсионной системы в стране на этапе либерализации экономики, улучшение пенсионного обеспечения в соответствии с требованиями рыночных отношений, стабилизация источников сберегательных доходов, сокращение пенсионных расходов, усиление контроля над целевыми расходами и пенсионными выплатами, осуществление мер по переходу на систему накопительной пенсии и внедрение негосударственных пенсионных фондов, последовательное повышение уровня жизни в условиях экономической либерализации и обеспечение финансовой устойчивости. Определение основных направлений структурных изменений пенсионной системы в обеспечении выполнения этих задач определяет актуальность выбранной темы исследования.

Данная диссертационная работа в определенной степени будет способствовать осуществлению задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан от 26 сентября 2019 года УП-5837 «О мерах по дальнейшему совершенствованию налоговой политики Республики Узбекистан», от 21 мая 2019 года УП-5723 «О совершенствовании порядка определения размеров оплаты труда, пенсий и иных платежей», от 12 декабря 2018 года УП-5597 «О дополнительных мерах по усилению социальной поддержки пенсионеров и повышению эффективности системы пенсионного обеспечения граждан», от 7 февраля 2017 года УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 28 декабря 2017 года УП-5291 «О дополнительных мерах по созданию благоприятных условий отдельным категориям пенсионеров, осуществляющих трудовую деятельность», от 24 мая 2017 года УП-5052 «О мерах по дальнейшему совершенствованию государственной политики в сфере занятости и коренному повышению эффективности деятельности органов по труду», а также в других нормативных актах, касающихся данной сферы.

Соответствие исследования приоритетам развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и техники республики I. «Духовно- нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

² Послание Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису. Газета «Народное слово». 29 декабря 2018 года. №271-272 (7229-7230). С-1

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.³

